В мустазоде, начинающемся со строк «Эй ёр, санго ушбу жаҳон боги аро гул/ бир ошиқи ҳайрон /дийдоринга шайдо», Агахи удалось обновить данный жанр, что свидетельствует о его высоком творческом потенциале. К традиционной одной полустроке в структуре мустазода поэт добавляет вторую и таким образом совершенствует его. В такой форме в мустазоде первая полустрока первой полной строки рифмована с первой полустрокой второй полной строки, соответствующим образом рифмованы вторые полустроки первой и второй полных строк. В остальных бейтах также полные строки рифмуются с полной строкой первого бейта, первая и вторая полустроки рифмуются с подобными строками первого бейта. Тот факт, что столь совершенная форма этого жанра не встречается в произведениях других поэтов, доказывает, что место Агахи в искусстве слова велико.

традиций таких предшественников, как Кутб Хорезми, Сайфи Сарайи, Хайдар Хорезми, Атаи, Саккаки, Гадаи, Лютфи.

Агахи особенно своим наставником считал великого Алишера Навои. Уроки творческой лаборатории Навои занимают особое место в его творческом развитии. Агахи многому научился у своих великих предшественников, продолжил их традиции. Но в своем творчестве он никак не поддавался повтору традиций предшественников, а наоборот, совершенствовал их. Он внес достойный вклад в развитие художественного и эстетического мышления нации.

7. Поэтическое совершенство традиций персидской поэзии также играет особую роль в творческом становлении Агахи. В своих персидско-таджикских стихах поэт не ограничивался традициями своих предшественников, творивших на этом языке. Развивал, возобновил художественные открытия Фирдоуси, Хафиза Шерази, Джалалиддина Руми и Бедии. Стихотворения цикла «Ашъори фарси», включенного в диван «Тавиз уль-ашикин» подтверждают данную мысль. В них главенствует тема суфизма, образы и символы отличаются сложностью, выражение основано на высоких художественных критериях. Еще одно важное достижение Агахи заключается в том, что его персидские стихи не являются переводами собственных произведений на тюркском языке. Персидская лирика поэта, как образцы оригинального творчества, занимает особое место в развитии восточной поэзии.

8. Агахи созданы произведения практически во всех жанрах классической поэзии. В этом отношении он занимает высокое положение среди своих предшественников и современников. Газель играет ведущую роль в поэзии поэта. Тот факт, что в диван «Тавиз уль-ашикин» включено 447 газелей на тюркском и 23 на персидском, свидетельствует об плодотворном творении поэта в этом жанре. Объем газелей поэта составляет от 6 до 23 бейтов и посвящены они темам учёности, веселья, любви, просветительству, социальным, философским темам, природе и охоте. Хотя тематика газелей традиционна, художественная интерпретация поэта в них совершенно уникальна. Творческий стиль отличается свойственностью только Агахи. В качестве примера можно вспомнить, что газель с редифом «Пайдо» имеется как у Навои, так и у Физули. Именно в этой газели Огахи обновляет художественную интерпретацию и развивает поэтическое заключение.

9. Социальный контекст в стихотворениях Агахи выражен в форме заботы поэта о счастье, жалобе на жизненные хлопоты высшего творения – Человека. Поэтому поэт и заявляет «Даври каж, таври шум, хайъати вожун гунбази даввор (чархи дун) хароб ўлсун». В воззрениях поэта о «гардуни дун», «ахли замон», «дахр эли» цель поэта проявляется в виде целостных выводов. В этом Огахи пошел по стопам своего учителя Алишера Навои, и иногда вся газель сводилась к жалобе на круговорот жизни. Это придавало стихотворению композиционную целостность и уникальность («Дахр

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб тошган бўлиб, умумий ҳажми 256 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Огаҳий бадий маҳоратининг адабий-эстетик омиллари ва унга издошлик тадрижи”** деб номланган. Бобда шоир бадий маҳоратининг адабий-эстетик омиллари ва Огаҳийга издошлик масалалари очиб берилган. **“Огаҳий лирикасида туркий шеърият анъаналарининг бадий синтези ва халафларга таъсири”** деб номланган илк фаслда шоир шеърияти анъанавийлик ва ижодий таъсир нуктаи назаридан тадқиқ этилади.

Маълумки, ижодкор маҳорати икки адабий-эстетик омилга таянади: 1) истеъдод; 2) буюк салафлар ижодий анъаналарини чуқур ўрганиш асосида уларни янгилан билиш салоҳияти. Огаҳий “Таъвизу-л-ошикин” девони деб очасида Тангри таоло одамлардан “... баъзисининг тилин фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга кодир этган”¹⁸ ини ёзган эди. Шоирнинг ўзи ҳам ана шундай кам сонли нодир истеъдод эгаларидан.

Буюк салафлар анъаналарини янгилан бадий ижод тараққиётидаги узвийликни таъминловчи ходисадир. Зеро, “анъанавийлик – Шарк адабиётининг ўзига хос хусусияти ва ҳаракат йўли, унда умумий ўхшашлик ва такрор ҳам, янгилик ва кашфиёт ҳам бор. Шоирнинг мақсад ва интилишлари, эришган натижа ва мувафакқиятлари гоҳо бир-бирига ғоятда монанд”¹⁹. Дарҳақиқат, илғор дунёқараш, юксак тафаккур, теран ифода – ижодий ўзига хослик ушбу монандлик бағрида туғилади. Огаҳий ижодининг туркий шеърият анъаналари билан муносабати бунинг исботидир.

Маълумки, туркий шеърият бой тарих ва анъанага эга бўлиб, унинг ибтидоси ғазалда кўринади. Туркий ғазалнинг илк намуналари Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий ижодида учрайди. Унинг йирик ҳажмли туркий насрий “Қисаси Рабғузий” асаридеги Юсуф қиссаси таркибида келган ғазал туркий ғазалиётнинг илк намунаси сифатида эътироф этилади:

Кун ҳамалға кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечти баҳман замҳарир киш, қолмади кори, бузи²⁰.

¹⁸ Дебоча. Мухаммад Ризо Огаҳий. Таъвизу-л-ошикин. – Тошкент: Фанлар академияси, 1960. – Б.28.

¹⁹ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва Огаҳий шеърияти// Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. №6. – Б.6.

²⁰ Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: 1991. – Б.103-104

Рабғузий Наврӯз белгиси сифатида куннинг ҳамалга киришини кўрсатади. Натижада замҳарир киш чикмоққа мажбур бўлди, унинг қорию музи қолмади, деб баҳор келганидан хабар беради. Огаҳий девонида ҳам Наврӯзга бағишланган бир қанча шеър учрайди. Мана бу ғазалда баҳорги тенгқунликнинг Рабғузийга хос талқини янгилангани кузатилади:

Қуёш заррин ғазоли кўргузуб юз хут даштидин,

Ҳамал сарсабз бўстони ичида жилвапийродур.

Огаҳий *қуёшнинг заррин кийиги, хут дашти, ҳамалнинг сарсабз бўстони* каби сифатлаш ва истиораларни уйғун қўллаш орқали Наврӯз келганига ишора қилади. Кейинги байтда эса Наврӯз султони ташрифи боис адолат мезони ўрнатилгани – туну қун вазнида тенглик намоён бўлгани ифодаланади. Поэтик ифода ҳам, бадий тасвир ҳам, талқин ҳам янгиланади.

Шоирнинг бошқа бир ғазалида Наврӯз: *“Қилиб ойини меҳр оғоз Наврӯз, Келиб қиш фаслин этти ёз Наврӯз. Жаҳон сарто қадам файзу сафода, Бўлуб жаннатга таънандоз Наврӯз”*, дея янада кўтаринки руҳда тасвирланади. Натижада Огаҳий буюк салафи Рабғузий анъаналарини давом эттирибгина қолмай, янгилангани аён бўлади.

“Шакартек тил била оламни тутдим”, дея фаҳрия айтган Хоразмий “Муҳаббатнома” асарига ҳам ғазаллар ёзгани маълум. Саъдий Шерозий “Тулистон”и Сайфи Саройи таржимасининг Лейден университети кутубхонасида сақланаётган бир қўлёзма таркибида Хоразмийга тегишли туркий ғазал бўлиб, у шундай бошланади:

Солди никоб чехратин ул турки ховарий,

Бўлди яна жаҳон юзи ойнатек орий²¹.

Ғазал мактабида шоир таҳаллуси ҳам келтирилган. Аслида, “шарқ” маъносини англаувчи “ховарий” сўзи бу ўринда кўчма маънода, қуёш мазмунда келган. Огаҳийнинг мана бу ғазалида Хоразмий талқини поэтик такомилга етказилгани кузатилади:

Эй, юзингдин мунфаъилдур офтоби ховари,

Вай дамингдиндур хижил Исо дами жонпарвари.

Икки шоир байтларини “турки ховарий” ва “офтоби ховарий” образлари бирлаштириб турибди. Хоразмий “турки ховарий” деганда юзи Шарқ қуёшидек нурли турк гўзалини таърифлаган бўлса, Огаҳий ёруғликда ёрнинг юзига ета олмаган Шарқ қуёши хижолатда эканини хусни таълил орқали бетакрор бадий талқин этган. Табиийки, Огаҳий бадий тафаккури юксалишида бу каби анъаналарнинг таъсири бўлган.

Огаҳий, бундан ташқари, Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби туркий шеърият дарғаларининг асарлари билан таниш бўлган ва уларнинг иждодий анъаналарини муносиб давом эттирган. Чунки XV асргача бўлган туркий шеъриятда тўпланган тажриба, эришилган ютуқлар мумтоз шеърият анъаналари мунтазам янгиланиб, ривожлантирилиб борилганидан далолат беради. Хусусан, анъананинг ғоявий, тип (образлар) ва бадий шакл каби

Мутлақ-и мужаррад қофия, таъсисли мутлақ қофия, таъсис ва дахилли мутлақ қофия, ридф-и аслийли мутлақ қофия, ридф-и муфрадли мутлақ қофия, ридф-и мураккабли мутлақ қофия, қайд мутлақ қофия, хуружли мутлақ қофия, таъсис ва хуружли мутлақ қофия, таъсис, дахил ва хуружли мутлақ қофия, ридф-и аслий ва хуружли мутлақ қофия, ридф-и мураккаб ва хуружли мутлақ қофия, қайд ва хуружли мутлақ қофия, мазидли мутлақ қофия, таъсисли ва мазидли мутлақ қофия, таъсис, дахил ва мазидли мутлақ қофия, ридф-и аслий ва мазидли мутлақ қофия, қайд ва мазидли қофия, ридф-и мураккаб ва мазидли мутлақ қофия, нойирали мутлақ қофия, таъсисли ва нойирали мутлақ қофия, таъсис, дахил ва нойирали мутлақ қофия, қайд ва нойирали мутлақ қофия, ридф-и аслий ва нойирали мутлақ қофия, ридф-и мураккаб ва нойирали мутлақ қофия. В исследовательской работе проанализировано мастерское использование Агахи указанных 25 типов абсолютной рифмы.

В классической науке о художественности имеются сведения о недостатках в рифмовке. Их всего четыре: **иква, икфа, синад, ийта**. По нашему наблюдению, в поэзии Агахи изъяны рифмовки встречаются очень редко. Он обращал большое внимание на вопрос рифмовки. К каждому слову относился с большой любовью и ответственностью.

Редиф также занимает особое место в поэзии Агахи. В его газелях имеется 46 редифов, которые состоят из двух слов. Из них «Экан оё», «Керакмасму санга», «Ўлганга йиғларман», «Бу нега» – результат воодушевления традициями предшественников. Редифы «Ўлтурмай ўлтурди», «Қурбонинг бўлай», «Нега келмассан», «На ҳаз», «Тоза йил», «Нодиру шоз» свойственны стилю Агахи. В диване поэта, изданном в 2014 году, имеются три газеля с применением трехсловных редифов: «Қаду рухсору лаб», «Бир бўса бер», «Ўл ой ғами». Агахи смог совершить творческое открытие, повысив выразительность посредством указанных редифов. Все это свидетельствует о высоком мастерстве поэта по использованию редифов.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Результаты данного исследования можно обобщить следующим образом:

б. Признаки высокого творческого потенциала у великих мастеров слова начинают проявляться в годы молодости. Однако этот талант обогащается и совершенствуется благодаря большой творческой работе и труду, изучению литературного наследия великих предшественников, обновлению их традиций. Мухаммад Риза Агахи, был человеком огромного таланта, который, по словам самого поэта, Всевышним «одарён красноречием, наделён способностью превращать простые слова в жемчужины поэзии». В лирике поэта наблюдается поэтический синтез

²¹ Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. – Тошкент: 1978. – Б.188.

использовал две разные формы средства иктибас в одном бейте. Известно, что точное цитирование аята или хадиса называется «дардж». Агахи использовал аят «Уфу би ахд» как пример появления «дардж». Вторая форма иктибаса – это перевод или передача сути аята и хадиса. Во втором стихе вышеупомянутого стиха поэт выражает значение аята посредством строки «**лозимдур этмак ахдига амдо вафо**».

Средство **ташобихул-атроф**, по утверждению Дои Джавода, может обозначаться и понятием *таббег*. Агахи умело использовал рассматриваемое средство в газели:

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,
Меҳри жамоли устида **икки ҳилолини кўринг**.

Икки ҳилолини кўруб, қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳаи орази уза нуқтаи холини кўринг (91).

В поэзии Агахи хоть и редко, но встречается средство **тавзеъ**. В указывается его значение «распределение», «раздача», это средство широко использовано в лирике или в прозе в целях достижения ритмичности:

Келсун доғи қатл айласуну қонима қонсун,
Қотилвашу ошиқ кушу хунхорима айтинг (197).

В приведенном выше бейте согласная **қ** использовалась в целях создания мелодичности и повышения выразительности.

Поэтом на высоком уровне применяются средства муболага, талмех, ташбех, ташхис, истиора, тажохули орифона, хусни таълил, тамсил, ирсоли масал, тафрик, таносуб, тажнис, лафф ва нашр, радд ул-ажуз ал ас-садр, тарду акс, радди матлаъ. Он применял **более пятидесяти** видов поэтических средств.

Если учитывать, что «... основой стиха является рифма»⁴⁷, необходимость изучения мастерства поэта в этом отношении становится очевидной. И в поэзии Агахи рифма действительно стала основой и столпом лирического произведения. Известно, что элементы в учении о рифме делятся на две группы: 1) элементы мукайяд (корневая рифма); 2) элементы абсолютной (рифма прибавочная) рифмы. Рифма состоит из комбинации вышеперечисленных элементов

Элементами рифмы мукайяд являются **равий, қайд, дахил, ридф и таъсис**. Эти элементы рифмы уникальны тем, что они лежат в основе рифмующихся слов, то есть в основе и предшествуют элементу равий. В диссертации эти элементы рассматриваются на примере поэзии Агахи. Исследования доказывают, что все элементы рифмы мукайяд встречаются в поэзии Агахи. Поэт создал прекрасные образцы рифмы, используя элементы **равий, таъсис, ридф, қайд, дахил**.

Типы у рифмовки, относимые к рифмовке мутлак, бывают несколько видов:

турлари кенг қўлланила бошлаган. Бу тамойилларнинг ифодаси Навоий номи билан боғлиқ XV аср ва ундан кейинги давр туркий шеърятда янада ёркинроқ кўринади. Иккинчидан, анъана яшовчан адабий ҳодиса бўлиб, унинг асосида муштараклик ва ўзига хослик муносабати мужассамдир. Бу икки жиҳат билан бирга асар моҳияти ва ижодкор маҳоратини ўзига хослик, бетакрорлик белгилайди. Бадиий ижод жараёнидаги бу тамойил биз фикр юритаётган анъанавийлик ҳодисасида ҳам яққол кўринади.

Хоразмлик шоирлардан Мажлисий, Мавлоно Вафо Вафойий, Умар Боқий, Равнақ, Нишотий, Роқим, Киromий, Мунис, Огаҳий, Комил, Феруз, Табибий, Баёний, Мирзо, Ниёзий, Роғиб, Аваз, Девоний ва бошқа ижодкорлар Навоий анъаналарини давом эттирганлар, илҳом олганлар.

Огаҳий ижодида Навоий шеърятини руҳи яққол кўзга ташланади. “Мухаммад Ризонинг шеърят сирларини мукамал эгаллаб йирик ижодкор сифатида камол топишида, асарларининг бадиий етук ва гоъвий халқчил руҳ эгаллашида улуғ Навоийнинг таъсири, айниқса, самарали бўлди”²². Аслида, бу таъсирни шоирнинг ўзи ҳам “*Огаҳий, қим топқай эрди сози назмингдин наво, Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санга?!*” – дея эътироф этади.

Алишер Навоий ёзади:

Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Вар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?²³

Бу ғазал оҳангдорлик ва мазмун жиҳатдан ўзига хосдир. Радд ул-матлаъ санъати талабига кўра, ғазалнинг биринчи мисраси мактаъда якунловчи мисра бўлиб такрорланган. Огаҳий эса ушбу ғазалга мазмун ва шакл жиҳатдан уйғун асар ярата олган. Шунингдек, у ҳам айнан радд ул-матлаъ санъатидан фойдаланган:

Ашқима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?²⁴

Навоий ва Огаҳий ғазалларининг мавзу ва гоъвий йўналишида ҳам уйғунлик кузатилади. Шоирлар фикр ва қарашларида ҳам ўхшашлик бор.

Ишқ бу икки ижодкор девонларида асосий мавзу ҳисобланади. Навоий ёзади:

Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, қилсин бизинг девонни ҳифз.

Огаҳий эса:

Огаҳий холини гар ишқ ичра билмак истасанг,
Чашми ибрат бирла дардангез девонимга бок, –

дейиш билан буюк салафи сўзига мутаносиб фикрни ифода этган.

Огаҳий улуғ Навоий анъаналарини муносиб давом эттирган. Бу ижодий издошлик девонга дебеча битиш, татаббуъ, назира ғазаллар ёзиш, мусамматнинг турли шаклларида ижод қилиш ва улардан тазмин сифатида

²² Абдуғафуров А. Огоҳлар огаҳи / Атокли шоир, тарихнавис, таржимон. – Тошкент: 1999. – Б.58-59.

²³ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. Наводир-ун ниҳоя. – Тошкент: 1987. – Б.557.

²⁴ Огаҳий. Таъвизу-л-ошиқин. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 287 (кейинги мисоллар ҳам ушбу манбадан олинди, саҳифаси қавсда кўрсатилади).

⁴⁷ Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи профессор А. Ҳайитметов) – Тошкент: Ҳазина, 1996. – Б. 3.

мисралар олишда, тахмислар боғлаш, чистон, рубойи, қитъа каби кичик жанрлар бадииятида кўринади

Огаҳий ижодида Фузулийга ҳам ҳамоҳанглик кузатилади. Фузулий туркий девонининг дебчасида “Илмсиз шеър асоси йўқ девор каби ўлур ва асосиз девор ғоятда беътибор ўлур”,²⁵ – деб ёзган эди. Дарҳақиқат, шоир шеърятда илмий-фалсафий тафаккур етакчилик қилади. Мусиқийлик, оҳангдорлик, шунингдек, ўғуз лаҳжасига хос бўлган белги-хусусиятлар ҳам устувор. Фузулий шеърятдан илҳомланган Огаҳий Хоразм шевазининг озарбайжон тилига яқинлигидан фойдаланиб, гўзал мисралар битган. Фузулий ижодида “Санга” радифли ғазал бор. Унга Мунис ҳам ўхшатма битган. Огаҳий эса қуйидагича ёзади:

Ошиқ ўлдинг, э кўнгил, жонинг керакмасму санга,
Ўтга кирдинг жисми урғининг керакмасму санга...

Огаҳий ҳолин кўриб доим тағофил қилгасен,
Шоири донои давронинг керакмасму санга (12).

Бу ғазалда шоир қалбини ўртаган ишқ “ўти” ғоят таъсирчан йўсинда қуйланган. “Шоири донои даврон”нинг қалб изтироблари баён этилган. Фузулийда ҳам ишқ ва ошиқлик фалсафий, тасаввуфий мазмун билан такомиллашиб борган.

“Таъвизу-л-ошиқин” девонидаги мухаммаслардан бештаси Фузулий ғазалларига битилган. Улар мазмун-моҳиятида ҳам, шоирларнинг ишқий, ижтимоий-фалсафий, тасаввуфий қарашларида ҳам ўхшашлик сезилади:

Жаҳон аҳли на билсун, Огаҳий, меҳру вафо қадрин,
Билурму шаппараклар шом аро нуру зиё қадрин,
Не тонг гар билмаса бедардлар завку даво қадрин,
Асири нафсдур, аҳли жаҳон билмаз фано қадрин,
Фузулий, ишқ атвори санго онжақ мусалламдур (394).

Хуллас, ижодий таъсир истеъдод кирраларини ёлқинлатувчи, маҳорат куртакларини камолга етказувчи ҳодисадир. Фузулий ижоди ҳам Огаҳий шеърӣ иқтидорининг юксалишида маҳорат мактаби вазифасини ўтаган.

Шунингдек, ишда Огаҳий шеърятининг Комил Хоразмий, Феруз, Табибий, Аваз Ўтар, Девоний, Ниёзий, Роғиб, Сўфи, Мирзо, Баёний, Мутриб ва бошқалар ижодига таъсири ҳам муфассал ёритилган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Огаҳий назмида форсий шеърят анъаналарининг поэтик такомилли”** деб номланган. Мумтоз шоирларнинг аксари туркий тил билан бир қаторда форсий тилда ҳам ижод қилган. Алишер Навоийнинг “Девони Фоний”, Огаҳийнинг “Таъвизу-л-ошиқин” девонидаги “Ашъори форсий”си ҳамда Аҳмаджон Табибийнинг “Миръот ул-ишқ” ва “Мазҳар ул-иштиёқ” девонлари бунинг исботидир. Гарчи ўзбек мумтоз адабиёти тарихида форс-тожик тилидаги девонлар у қадар кўп бўлмаса ҳам, бу тилда кўплаб ғазаллар, таърихлар, мусамматлар битилган ҳамда туркий девонлар таркибига киритилган. Шунингдек, ўзбек адабиёти

Таким образом, Агахи использовал богатую классическую литературную традицию в создании образа и добился отличных результатов.

Четвертая глава, озаглавленная **«Поэтика художественных средств, рифмы и радифа»**, состоит из двух параграфов. Заслуживают внимания исследования литературоведа А. Ходжихмедова по особенностям поэзии Агахи⁴⁴. Работы других исследователей также частично освещена проблема художественных средств в поэзии Агахи. В этом исследовании были проанализированы некоторые из средств, которые не рассматривались в вышеупомянутых работах.

В поэзии поэта активно использовалось искусство акд, что имеет значение «...луғатта тугун боғламоқ, назмда каломнинг насрда бўлмаган тугунлуги бор бўлгани учун сочма каломни тизма қилмоқ⁴⁵». В соответствии с этим, в стихотворение с определенной целью включается пословица. Хотя содержание пословицы заметно, форма ее приобретает новый облик в соответствии с требованиями стихотворного размера, точнее, становится частью стихотворения⁴⁶. В поэзии Агахи тоже имеется ряд стихотворений, содержащих народные пословицы. В народе есть поговорка «Меҳнатнинг нони ширин» (Сладки плоды труда). Агахи передает суть этой пословицы следующим образом:

Эй ғаний, ҳалвони таъриф этмаким, фақр аҳлига
Тортибон меҳнат топиб эрмас еган нондин лазиз (99).

Агахи в своей поэзии обращался и к искусству **иттифак**. Он представляет собой духовное искусство, которое с давних времен используется в персидско-таджикской и узбекской классической поэзии, но в большинстве известных сочинений по науке о поэзии не содержатся сведения об этом искусстве. В частности, в Жумладан, в «Таржимон ул-балоба», «Арузи Хумоюн», «Жамъи мухтасар», «Санъати сухан» и в литературоведческих словарях оно не нашло своего отражения. В работе Дои Джавода «Зебоийҳои сухан ё илми бадеъ дар забони форсий» приводятся сведения об иттифаке, даются примеры. Согласно определению Дои Джавода, в соответствии с требованиями данного искусства, поэт включает свое имя или прозвище в стихотворение таким красивым образом, что лексическое и терминологическое значение слова одновременно приходит в голову читателю. В стихах Агахи можно встретить множество примеров к этому:

Не тонг **огоҳ** бўлса, **Огаҳий**, ишқинг сиридинким,
Онга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо (26).

А в этом стихотворении искусство иктибос использовано мастерски:

Ҳақ таоло ўз каломида деди: **уфу би аҳд**,
Борчага лозимдур этмак амдо вафо (38).

«Уфу би аҳд» – призыв к соблюдению своего обета. Содержит аят из священной книги «Коран». Мастерство Агахи заключается в том, что он

⁴⁴ Ходжихмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос кирралари. – Тошкент: Халқ мероси, 1999.

⁴⁵ Атоуллоҳ Хусайний. Балойиъу - с - санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 244.

⁴⁶ Исхоков Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 26.

²⁵ Фузулий. Девон. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1959. – Б.6.

веселья. Подтверждением этого являются газель с редифом «Қадах», а также мурабба, заканчивающаяся строкой «Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидир».

Образ *свечи* и *мотылька* – традиционные символы восточной литературы. Каждый поэт по-своему подходит к этим символам, интерпретируя их на основе своего мышления и творческого потенциала. В газели Агахи свеча выступает как самостоятельный образ. Свеча – страдающий возлюбленный, пылающий в огне любви возлюбленной.

Образ виночерпия широко использовался в стихах Агахи. Хорошо известно, что в суфизме пьющий – это просветитель, наливающий вино истины. Иногда с образом виночерпия связываются Кавсар (райский источник) и муршид (духовный руководитель). Обычно в бейте, упомянутом о виночерпии, пьющем, конечно, упоминается и о вине. Зачастую подобные бейты приобретают дух веселья. В поэзии образ виночерпия часто обозначается понятиями *аёқчи*, *соқий*, *пири майхона*, *пири музон*, *пири майкада*, *пири дайр*, *пири ишқ*, *пири харобот*, *муз*, *музбача*, *пири хаммор*, *майфуруш*, *аҳли базм* и в большинстве случаев в их образе предстает духовный, священнический лидер (пири муршид), который ведет человека по пути совершенства, ведет его через стадии просветления, ... наслаждается божественным просветлением и возносит его до статуса совершенства⁴². Необходимо отметить, что в поэзии Агахи образ виночерпия встречается во многих обозначениях, упомянутых выше.

Образ ученого также занимает особое место в поэзии Агахи. В газелях об учености ориф (ученый) воплощен в образе человека, обладающего совершенными познаниями. В образе ученого преобладает философское мировосприятие, мудрое мышление о Вселенной и человеке. Ученость по Агахи первоначально проявляется в осознании любви к Всевышнему, в знании того, что страсть представляет собой злейшего врага. Еще одно качество ученого в понимании поэта – удовлетворенность. Он хочет быть против богатства, быть почитаемым среди бедных.

Қонё айлабон ганжу фақр аро азиз эткил,
Ким, мани залил усру айламиш ҳавас, ё Раб (56).

Соотношения метафоры и истины занимают особое место в суфийских воззрениях Агахи. Об этом литературовед Н.Джаббаров отмечает, что «вопрос о соотношении метафоры и истины играет важную роль в исследовании суфийской сущности лирики поэта. Эта тема, имеющая особое значение в нашей классической поэзии, интерпретируется создателем в сочетании глубокого содержания и красивой художественной формы. Об этом свидетельствует обращение поэта к Всевышнему с просьбой донести правду («хақиқат жомининг базмидин сафо») до его («мажоз ичра кудуратлар етишган») сердца»⁴³.

намояндалари асарлари мавзу ва ғоявий жиҳатдан ҳам форс-тожик адабиётига уйғундир. Жумладан, “Огаҳийнинг тожикча шеърлари ҳам ўз тематикаси, мазмуни ва бадий хусусиятлари билан ўзбекча шеърларидан қолишмайдиган юксак асарлар бўлиб, уларда ўша замон турмуш таассуроти инъикос эттирилган”.²⁶ “Ашъори форсий” тадқиқотчиси ва таржимони Матназар Абдулҳаким таъкидича: “Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди кўплаб ижодкорлар қатори Огаҳий қалбини ҳам ром этган бўлиб, Огаҳий тафаккури теранлигини, фавқуллода кўламдорлигини, мазмун кўпқатламлилигини Мирзо Абдулқодир Бедил таъсирининг ҳам самараси деб дадил айта оламиз”.²⁷

Огаҳийнинг форс-тожик тилидаги шеърларида Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий ва Бедил таъсири сезилади. Шоир форсий ғазалларининг аксарияти ишқ мавзуида бўлиб, уларга риндона, орифона мавзулар ҳам уйғунлашиб кетган. Огаҳийнинг “Азми сайри боғ кун, эй гульзор, омад баҳор”, мағлаъли ғазали табиат лирикасининг гўзал намунаси бўлса, “Эй дил, зи чарх ком таманно мақун абас”, деб бошланувчи ғазали эса тасаввуфий мазмунда. Шоир мана бундай ёзади:

Эй, забонам карда дар бар чун нигин номи туро,

Шуд дилам ойинадори рўйи гулфоми туро,

Огаҳий ушбу мисраларда: Эй, тилим номини узук қилиб олган ёр, сенинг гулга ўхшаган юзинг учун менинг дилим кўзгу бўлди, деб ёзади. Иккинчи байтда эса: Бир кун келиб, мен сенинг босган изингни ўпишга муяссар бўлайин, тупроқдан ясалган жисмимни йўлингга ғубор қилганман, дейди. Ушбу мисраларда ҳам шоир юксак бадий маҳоратини намоён этган. Ёр юзи учун ошиқ кўнгли кўзгу бўлиши, тупроқдан ясалган жисми маъшуқа йўлида ғубор қилиниши шоирнинг тасвири янгилагани исботидир.

“Имшаб” радибли ғазалида ҳам ишқ ва ошиқлик ҳақида сўз боради:

Мададкори намуда ахтари бахтам маро имшаб,

Мунаввар гашт чашмаи аз руҳи он маҳлиқо имшаб.

Ғазал анъанавий тасвир билан бошланади. Бу кеча менга бахтим юлдузи мадад қилди, у маҳлиқо юзининг нуридан менинг кўзларим ёруғ бўлиб кетди, ундан айрилганда ўлимга рози бўлган эдим, унинг келиши билан ҳамма дардларимга даво етди, – дейди шоир.

Огаҳий май тимсоли билан боғлиқ қарашлари, зоҳид риёкорлиги ҳақидаги ғазалларида ринди Шероз – Ҳофиз Шерозий анъаналарини муносиб давом эттирган. Шоир зоҳидга: “Сен кимсану, ишқ жомининг майи нима? Майхонага кириб, ўзингни шарманда қилма”, – дейди. Огаҳий доим узлатда бўлишни ихтиёр этади. Қалб сокинлиги барча дардларга даво эканини таъкидлайди.

Форсий шеърят анъаналари давом эттирилиши шоир ғазалларининг ўзига хослигини, юксак бадииятини инкор этмайди. Чунки уларда жуда кўп

⁴² Асадов М. Риндона маъно ва руҳият тасвири. – Тошкент, 2019. – Б. 65.

⁴³ Жабборов Н. Огаҳийнинг огоҳлик сири. //Тафаккур, 2009. 2-сон. – Б. 62.

²⁶ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: 1964. – Б. 372.

²⁷ Абдулҳаким М. Мангулик жамоли. – Хива: Хоразм Маъмун академияси нашриёти, 2009. – Б. 96.

бадий топилмалар қилинади, образлар поэтик такомилга етказилади. Тадқиқотда бу илмий муаммо аниқ мисоллар асосида муфассал ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Шоир лирикасида жанрлар поэтикаси**” деб номланган. Бу бобда мумтоз адабиётимизда қўлланган жанрлар шоир томонидан такомиллаштирилгани ҳамда уларнинг поэтикаси тадқиқ этилган. “*Ғазал – Огаҳий маҳоратининг асосий мезони*” номли биринчи фаслда шоирнинг бу жанр ривожига қўшган ҳиссаси ёритилган.

Огаҳий – туркий мумтоз адабиётнинг Навоидан кейинги йирик намоёндаларидан. Шеърятнинг 20 дан зиёд жанрларидаги ижод намуналари “Таъвизу-л-ошиқин” девонига жамланиб, поэтик меросининг асосини ташкил этди. Девон мундарижасини белгиловчи ғазаллар эса Навоий ғазалиёти каби “лирик кечинмалар қомуси”²⁸га айланди. Шоирнинг ўзбек тилидаги ғазаллари миқдори 447, форс тилидагиси 23 тани ташкил этади. Асосан ошиқона, шунингдек, орифона, риндона, маърифий, ижтимоий, фалсафий, табиат, ов тасвири мавзуларида ёзилиб, ғазал жанрини мавзу ва гоъвий жиҳатдан янги босқичга кўтаргандир.

Ғазал Огаҳий ижодида катта ўрин эгаллаши асло тасодифий эмас. Чунки ғазал ёзиш мумтоз адабиётимизда анъана тусига кирган бўлса, унинг тузилиши ва қўлами жуда ихчам, ўқишли ва эсда қолиши осондир. Шу боис ҳам мумтоз шоирларимиз ишқ-муҳаббат мавзусидан ижтимоий-фалсафий масалаларгача умрбоқий ғазаллар битган. Ғазал жанри хусусида тожик адабиётшуноси А.Мирзаев, ўзбек олимлари Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, О.Носиров ва бошқалар ўз тадқиқотларида назарий фикрлар билдирган²⁹. Т.Бобоев: “Ўзбек адабиётида кўпинча 7, 9 байтли ғазаллар яратилган” деса, Ҳ.Умутов: “Ғазал 3 байтдан 19 байтгача бўлиши мумкин”лигини айтади³⁰. Огаҳийнинг “Таъвизу-л-ошиқин” девонидаги ғазаллар 6, 7 байтдан 18, 23 байтгача бўлган ҳажмда битилган.

Шоир ғазалларининг бош мавзуси – ишқ. “Салламно” радифли ғазалида Огаҳий ифодада, гоъвий ниятда шу қадар ўзига хосликка эришганки, кўплаб халафлари бу ғазалга пайравлар битган. Огаҳий ушбу ғазалида ёрнинг ҳар лаҳзада юз жон оладиган фаттон кўзлари, ҳар дам минг қон тўкадиган киприклари, жаҳон бозорида ёқут ва гавҳарлар кадрини синдирган лаблари, ошиқнинг паришон қалбини бир жойга жам айлаган сочилган сочлари, қоронғу кулбасини ёритган юз нури, сарвқадларни қумри каби қолон этган қадди-қомати, Юсуфни ҳам ҳайратга солган малохатли юзлари, ўлиқни тирилтирувчи сўзларига тасанно, салламно айтади. Ғазал байтлари шу қадар оҳангдор, бир-бирига узвий боғланганки, уларнинг ўрнини алмаштириш имконсиздир:

Олур ҳар лаҳза юз жон чашми фаттонингга салламно,
Тўқар ҳар дамда минг қон тиғи мужгонингга салламно.

²⁸ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадийат малохати. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 1999. – Б. 174.

²⁹ Мирзаев А.М. Рудаки и развитие газела в X–XV вв. – Душанбе: 1958; Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 1-том. – Тошкент: 1959 (Сўзбоши муаллифи Ҳ.Сулаймонов).

³⁰ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: 2002. – Б. 481; Умутов Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: 2004. – Б. 230.

Ишқ дарсин Вомику Фарҳод мандин ўрганур,
Қасби илм этса, нетонг, атфол устод оллида (48).

Вдохновленный миром образов Физули, поэт, посвятивший татаббу газелям предшественника, описывает влюбленного таким образом, что он готов лишиться своей жизни, тела, своих глаз, даже чести на пути к любви. Само по себе ясно, что такими качествами обладают истинные влюбленные.

В творчестве Агахи образ возлюбленной занимает главное место. В большинстве случаев влюбленный признается ей в любви, страдает от её неверности, безжалости. В некоторых местах старается раскрыть внутренний мир возлюбленной, дается описание духовного мира. В большинстве случаев она характеризуется такими качествами, как хитрость, игривость, высокомерие, безвнимательность, неверность. Возлюбленная в некоторых местах описывается, как верная, в отдельных местах – жестокая. Иногда она смиренная и покорная, доставляющая радость сердцу, энергию телу. Дарующая жизнь умершему влюбленному, как Иисус Христос. Поэт описывает возлюбленную такими прекрасными примерами, при этом качества и достоинства возлюбленной описываются метафорой. Агахи описывает возлюбленной *хуршиди тобон, оби ҳайвон, шамъи шабистон, зилли Субҳон, савлатлиг Сулаймон, давлатли султон*.

У Агахи есть такие газели, в них возлюбленная описывается самыми прекрасными примерами и сравнениями. В них не встречаются ни малейших пороков. Поэт возвышает её эпитетами ҳаёти жовидон, Исо нишон, гул очған гулистон, подшоҳи қомрон, ғамгусору меҳрибон, Сулаймони замон, ёри қадрон, тани оромижон.

В газелях Агахи не ограничивается описанием красоты возлюбленной. Описывается и её духовное богатство, её страсть к знанию, даже илми ладуний (тайные науки). Такие газели с подобными описаниями духовности возлюбленной не встречаются в творческом наследии других писателей.

В нашей классической литературе было много обращений к образу соперника. Он ведётся именами агёр, гайри, ўзга. Всегда рассматривается в качестве врага влюбленного. Поэт иногда вместо «рақиб» использует слово «муддаий». В недрах этих двух слов по существу понимается один образ. Известно, что там, где влюбленный и возлюбленная, агёр (соперник) также присутствует. Образ агёр служит для разжигания огня любви. Марҳамат (благодарность) возлюбленной к агёр есть мероприятие, выполняемое для проверки верности, для вызывания чувства ревности у влюбленного. Композиционное единство треугольника влюбленного, возлюбленной и соперника усиливает силу влияния произведения.

Второй параграф главы называется «**Мастерство поэта в выражении суфийских образов и символов**» посвящен анализу суфийских образов и символов в лирике поэта. В поэзии Агахи хоть редко встречается образ весельчака занимает важное место при определении идейного масштаба, солидности газели. В частности, в качестве примера можно привести газели с редифом «Менга», «Айлаб», «Шом», «Садқа» и другие. В его творчестве имеются такие газели и стихотворения, которые полностью посвящены теме

Агахи написал 80 муаммо-ребусов. Все проблемы поэта состояли из одного рифмованного бейта. Литературовед М.Матякубова, исследовавшая явление муаммо-ребусов в творчестве поэта, отмечает: «Агахи, в основном, мастерски используя приемы интикад, тарадиф, тасхиф, таълиф, искат, хисаб, калб, смог выразить свои мысли, взгляды»⁴⁰.

Кафинг чу дуржи гуҳар сочти ҳар дам,
Мурод беҳаддиға восил ўлди ҳосилам.

Из слов первой строки муаммо-ребуса аллегорично из сочетания «дуржи гуҳар» в слове «кафинг» выявляются буквы «нун» и «каф». Убрав границы со слова «мурод» во второй строке, вычлениет буквы «мим», «ре», «алиф». Если привести эти буквы в правильную последовательность, то можно разгадать слово «Камран».

Количество муаммо-ребусов в творчестве поэта солидное. Обладают богатым содержанием. Агахи в этом сложном жанре продолжил традиции таких деятелей, как Навои, Бабур, проявляя художественное мастерство.

Первый параграф третьей главы «**Мастерство создания образа**» называется «**Своеобразие в поэтическом описании треугольника влюбленный – возлюбленная – соперник**». Хотя, образы в лирике поэта являются традиционными, в большинстве случаев отличаются новшеством интерпретации. Естественно, часто используются в нём образы: возлюбленный, возлюбленная и соперник. Известно, что образ возлюбленного создаётся в сочетании с образом возлюбленной. Образ соперника всегда сопутствует им.

По мнению Агахи тот, кто выпил напиток любви, достигает своей мечты. Человек, который погружен в любовь, словно одурманен своей целью. Оба мира становятся благополучными для тех, в чью жизнь посещает любовь.

Бу маҳфил ичра кимга ичирса шароби ишқ,
Айлар муроди нашъасидан комёб ишқ.

Икки жаҳон мамолики маъмур бўлғуси,
Қилган кишига кишвари жонин хароб ишқ⁴¹

Можно сказать, что газель с редифом «Ошиқ» является требованием, выдвигаемым поэтом к образу возлюбленного. Поэт называет себя среди влюбленных несравнимым и несчастным. По его мнению, возлюбленный не должен быть высокомерным. Это можно назвать бдительностью в любви. По суфизму, страсть – это причина всех злодеяний. Поэтому Агахи пропагандирует остерегаться от оков страсти. Образ влюбленного в лирике поэта превосходит даже легендарных Фархада и Меджнуна, сумевшим противостоять всем невзгодам-несчастьям. В одно время он является и просветленной личностью. По причине того, что он достигает просветления в науке, легендарным героям может послужить примером.

⁴⁰ Матякубова М. Зехн зийнати. – Ургенч, 1998. – С. 9.

⁴¹ Огахи. Таъвизу-л-ошиқин. – Ташкент: “Мумтоз суз”, 2014. – С.183.

Жаҳон бозорида синдирди ёкуту гуҳар кадрин,
Дурафшон нукта бирла лаъли хандонингга салламно...

Огахий ушбу ғазалда ишқи мажозий тасаввифий қарашларини ҳам уйғунлаштириб юборган. Ғазалнинг биринчидан еттинчи байтигача гўзал ёрнинг ташқи қиёфасию сўзлари бетакрор мисралар орқали тасвирланган бўлса, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи байтларида фикр тасаввифий мазмун-моҳият билан йўғрилган. Мақтаъда шоир яна ўз аҳволини баён этади. Ниҳоят, поэтик фикрни бу қаттиқ меҳнату машаққат ичида чиқмаган жонига салламно айтиш билан яқунлайди. Адабиётшунос Н.Жабборов фикрича: “Огахий наздида ёр васли Навоий тутумига монанд “пок юз воситаси билан пок ошиқнинг ҳақиқий маҳбуб жамолидин баҳра олиши”дир. “Висол шавқи” эса кўнгилинг “пок юз шавқи-завқи билан беқарор бўлиши” деб тушунилмоғи керак”³¹.

Шоир девонида тўлиғича даврга муносабати акс этирилган ғазаллар бир нечтани ташкил қилади. “Даҳр қасриким...” деб бошланувчи ғазали шундай шеърлар сирасига киради:

Даҳр қасриким ҳақиқатда кўҳан вайронадур,
Они ҳар ким масқан этмак истади девонадур.

Саҳфида ер сарбасар ондин ёғор гарди хатар,
Амниятдин йўқ асар, ваҳ, на ажаб кошонадур (103).

Шоир бу ғазалда ҳар бир инсонни бир шамъга қиёс этади. Улар ҳаёт ташвишида бошдан оёқ ёнаётган қиёфада тасвирланади. Кейинги байтларда фикр ривожлантирилиб, инсонларни “роҳат шамъи” атрофида парвона бўлаётган “жон қуши”га қиёс этади. Шоир бу тариха давр, чархи дун жабру жафоларидан шикоят қилар экан, замондошлари қулфатларига чора топишни ўйлайди. Огахийнинг “Умр”, “Кўнгил” радифли ғазаллари ҳам бошдан оёқ ҳаёт фалсафасига йўғрилган.

Шоир ғазалиётида ҳасби ҳол руҳидаги шеърлар ҳам бор. Буларда ҳам юқоридаги ҳолат кўзга ташланади. Тўлиғича бир ғазал ҳасби ҳол руҳида ёки ғазалнинг баъзи байтларидагина ўз аҳволи баён этилади. Шоирнинг “Эй оқил, этма золи жаҳон бирла ихтилот”, “Эй кўнгил, афтодалиғ йўлин тутиб, оламдин ўт”, “Эй муалло, боргоҳинг арши аъзам бўлди тут”, “Илохий, шоҳи одил муддати умрин фаровон эт”, “Кел, эй маҳзун кўнгул, хўй эт ғаму андуху қулфатга”, деб бошланувчи ва бошқа ўнлаб ғазалларини тўлиғича фалсафий-дидактик ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Огахий бу каби ғазалларида умр ўткинчилиги, оқиллар хору, жохиллар иззатдалиги, айш-ишратга берилмаслик, ҳасаду нифоқни қасб қилмаслик ҳақида огоҳ этади, инсониятни жаҳолатга етакловчи иллатлардан қайтаради, қалб гўзаллигига даъват этади.

Огахий шеърлятида риндона ғазаллар ҳам кўплаб учрайди. Ҳофиз Шерозий (1325-1388) шеърлятидан таъсирланиш Огахийнинг бундай ғазалларига туртки бўлган. Маълумки, май тасаввифий маънода илохий ишқ рамзи. Шоир назарда тутган май тўла қадах ва ундан сипқориш илохий

³¹ Жабборов Н. Илм андоғ ганжи нофиъдур... //Шарқ юлдузи, 2002, 3-сон. – Б.151.

ирфондан бахрамандликдир. Огаҳий ижодида ҳам шундай мисралар борки, улар гўёки шариат амалларига зиддай туюлади. Жумладан:

Кетур, соқий, қадахким, базмгоҳ ийди қурбондур,
Кўнгуллар майли айшу ишрат айларға фаровондур (125).

Ийди қурбонда май ичиш гуноҳ иш, албатта. Бироқ яна тасаввуф истилоҳларига назар ташлаб, мазкур байтда улуғ кунларда бандалар қалби илоҳий маърифатдан тўлиб тошсин, кўнгиллар илму ирфонга ташна, деган ғоя илгари сурилганига гувоҳ бўламиз. Умуман, Огаҳий риндона мавзуда ҳам маҳоратини намोён этган.

Шоир ижодида табиат тасвири, ов саргузаштлари тасвирланган ғазаллар ҳам учрайди. Баҳор келиши билан оламнинг яшнаши, гўзалликка бурканиши қаламга олинди, табиат тасвиридан ижтимоий ҳаёт воқеаларига ўтилган ўринлар диққатталаб. Бу эса шоирнинг ҳар бир ғазалида Инсон муаммоси турганидан далолат беради.

Огаҳий ғазалиёти шакл, ҳажм ва мазмун жиҳатдан юксак бадиият намуналаридир. Шоир бу жанр мавзу доирасини кенгайтириб, анъанавий мавзуларни ижтимоий, фалсафий мазмун билан уйғунлаштирди. Ғазалларда ҳеч бир шоир шеърятига учрамайдиган образлар ва бадиий топилмалардан фойдаланди. Ўзбек адабиётида кам учрайдиган 23 байтли ғазал битди. Огаҳий ғазаллари бу жанр тақомилига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Бобнинг иккинчи фасли **“Мусаммат ва қасида жанрларида шоир санъаткорлигининг намоён бўлиши”** деб номланган. Бу фаслда Огаҳийнинг мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман ва қасида жанридаги шеърлари таҳлилга тортилган.

Девонда ғазаллардан кейин мусамматлар берилган. Шоир ижодида мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамманлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Огаҳий мухаммаслари сонини Ф.Ғанихўжаев 84 та, А.Абдуғафуров 90 та деб кўрсатади. Огаҳий мустақил мухаммаслар ёзиш билан бирга, улуғ Навоий ғазалларига ҳам тахмислар боғлади. Фузулий чашмасидан сув ичди. Шунингдек, Мунис, Диловар, Феруз, Амир, Хон, Вазир, Ғозий ғазалларига ҳам мухаммаслар боғлади.³² Шоир мухаммаслари шундан далолат берадики, у Шарқнинг улуғ шоирлари Навоий, Фузулий, Мунисларнинг бадиий топилмаларига муносиб жавоб ёзган. Буюк устозлари даражасида фикр айта олган. Мустақил мухаммаслари юксак санъаткорлик намунасидир:

Қаддим хамини сарви ситамкорима айтинг,
Сабрим камини ғамзаси бисёрима айтинг,
Кўзим намини кўзлари таррорима айтинг,
Кўнглим ғамини, дўстларим, ёрима айтинг,
Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг (350).

Огаҳийнинг иккита мураббаъси бор. Бири “Жамолинг шавқида ёқти фалакни ўтлуғ афғоним”, иккинчиси “Ул паривашким, дилу жонимда ишқи доғидир” деб бошланади. Иккала мураббаънинг ҳам қофияланиш тартиби бир хил: а-а-а-а, б-б-б-а. Мураббаълар ҳажман катта бўлиб, биринчиси 15,

Жуссаи тирноғ юзи янглиғ кичик,
Лек улуғлар ишқининг расвосидур (517).

Поэт в бейтах изображает описание монет. Описан постредством ташбеҳ и тазод тот факт, что на её двух лицах были изображены буквы и цифры, и что с таким маленьким телосложением заставляла великих людей страдать от любви к ней. В следующих строках изображение усиливается. Поэт, придавая описанию юмористический дух, пишет о большой социалистической проблеме. С мудростью описывает, что население всей планеты в её поисках, богатый и нищий, старик и юноша одинаково влюблены в неё, тот, кто её достиг, заслуживает внимания среди народа, если её нет у мудреца, то тот обречён на унижение.

Туюк – один из жанров тюркской поэзии. Известно, что Агахи написал 10 туюков. 9 туюков поэта рифмованы в форме а-а-б-а. Во всех 1, 2, 4 - строках каламбур использован особым мастерством. 1 туюк состоит из 6 строк, рифмован в форме а-а, б-а, в-а. Данный туюк уместно назвать китъа-туюк. В классической узбекской литературе создано большое количество китъа-туюков. Особенно, подобные туюки встречаются в произведениях Навои и Муниса.

Приведем образец туюка из творчества Агахи:

Чехрасининг гарчи муҳриқ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор,
Сигмағунг базми аро, эй муддаий,
Телмуруб турма бу ерда, нори бор (448).

В первой строке поэт сравнивает лик возлюбленной с мухриком, то есть с румянцем. Во второй строке сравнивает возлюбленную с красивым ростком гранаты. Лирический герой, ревнуя на соперников, выгоняет её со словами «сен унинг базмига сигмайсан, нари бор». Здесь Агахи со словом «нории» создает туюк.

Туюки Агахи по форме соответствуют требованиям этого жанра. Он создал шестистрочный туюк, сделал новшество в этом жанре. 6 туюков поэта написаны на любовные темы, и в них в некоторых местах встречаются суфийские идеи. Остальные 4 туюка полностью посвящены суфийским столпам. В них поэт размышляет о понятиях «Қаноат», «Ғайб асрори», «Нафси саркаш». И в этом жанре Агахи смог проявить секреты своего мастерства.

В произведении «Таъвиз уль-ашикин» встречаем 1 муламмаъ:

Кўнглинг жойи то дар оташи ишқат муқаррар шуд,
Чика олмай ул ўтдин як нафас ҳамчун самандар шуд.

Известно, что муламмаъ – это жанр, сочетающий строки на двух языках. И это муламмаъ Агахи написано на узбекском и персидском языках. В этом жанре также мастерство Агахи проявляется явно. Поэт пишет, кўнглинг жойи ишқ ўтида муқаррар бўлди, ўша ўтдан чика олмай бир дам самандар бўлди. Сравнение пылающего на огне любви сердца к саламандру является художественным новшеством.

³² Ғанихўжаев Ф. Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог). – Тошкент: 1986. – Б. 80-81.

Мискин ва ғарибга пойгоҳ бўл – мардсан.³⁸

Агахи, получая творческий заряд от мыслей Пахлавана Махмуда, идёт по особому пути при описании сути, при выборе поэтической формы:

Ё Раб, мани нафс бандидан айла халос,
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла халос.
Ҳар ишда писандингни манга рўзи этиб,
Олам элининг писандидан айла халос (436).

Если по мнению Пахлавана Махмуда преодоление страсти, покровительство нуждающихся, защита бедных считается храбростью, то лирический герой Агахи, обращаясь к Аллаху, умоляет освободить его от оков страсти, петли высокомерия, от раболепной покорности. Обращение лирического героя Агахи также является свойством настоящего храброго человека, мученика.

Агахи посвятил красивые рубаи и на описание природы. Как и в других поэтических произведениях, описывая весну, праздник Навруз, образ человека выдвигает на первое место. Воспевает радость, веселье, счастье, которые дарованы человеку природой:

Эй, барча кунинг айш ила наврўз ўлсун,
Ҳам тоза йилинг саодат андуз ўлсун.
Хуршид киби мартабаи иқболинг,
Тадриж била баланду фируз ўлсун (444).

А в рубаи поэта, посвященных описанию зимы, холода, изображается тяжелое состояние лирического героя.

В рубаи Агахи выдвигаются суфийские идеи, рассуждаются о духовной потребности, нужде. Подобные строки в его творчестве становятся перлом поэзии.

Чистон-прибаутка в творчестве Агахи является неотъемлемой частью его поэзии и требует обширного научного исследования. Прибаутки поэта считаются новым этапом в развитии данного жанра. В чистоне «Давлат» поэт обращает внимание на описание, что выражаясь голова птицы хумо четыре, по учёту абжад буква «дол» похожа на цифру 4, описывая «бўйнидур олти» буква «вов» похожа на цифру 6, выражаясь «тани ўттуз» буква «лом» похожа на цифру 30, в сочетании «аёки тўрт юз» буква «те» похожа на цифру 400. В итоге получается слово «Давлат»³⁹. Кстати, из этих мыслей уместно делать вывод, что Агахи смог достичь гармонии художественной формы и содержания.

Прибаутка «Танга» написана на основе влияния одноименной стихотворной загадки Навои:

У на дилбарким, тани симин ўлуб,
Бадр янглиг сурату сиймосидур.
Хат бутуб икки юзида сарбасар,
Зийнат афзойин рухи зебосидур.

³⁸ Абдулҳаким М. Иймон тухфаси. – Тошкент, 1998. - Б.17

³⁹ Маждий Р. Огаҳий лирикаси. – Тошкент, 1963. – Б. 29.

иккинчи 9 банддан иборат. Огаҳий илк мураббаъда ёрга мурожаат қилар экан, ундан илтифотлар кутади, ўз аҳволини баён этади:

Жамолинг шавқида ёқти фалакни ўтлиғ афғоним,
Бори ер юзини тўфонга берди чашми гирёним,
Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним (402).

Ҳар банд охирида такрорланадиган “Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним” мисраси шеърга янада жозибаторлик бахш этган. Бу мураббаъда машуқа ошиққа жабру жафо етказиши, ағёрга марҳаматлар қилиши, ёрнинг фироқи, қоронғу зиндони ўзига маскан бўлгани, бир лаҳза ҳам меҳр-муҳаббат дилдордан зоҳир бўлмагани гўзал мисраларда ифода этилган.

Шоир мусамманлари жами 4 та бўлиб, 1 таси форс-тожик, 3 таси ўзбек тилидадир. Девондаги биринчи ва учинчи мусамман ишқий мавзуда бўлса, иккинчи мусамман эса бу дунё ўткинчилиги, умрнинг ғаниматлиги, кўнглини бу жаҳон ҳою ҳавасларига бермаслик, айш-ишрат тилаб ҳеч ким мақсадига етмаслиги ҳақидадир.

Огаҳийнинг девонида 19 та қасида бор. Уларнинг умумий ҳажми – 1002 байт. Ҳукмдорлар васфига бағишланган. Адабиётшунослар томонидан “Огоҳнома” деб шартли номланувчи қасидаси, айниқса, диққатга сазовордир. Н.Жумаҳўжа Огаҳийнинг Ферузга бағишланган қасидаси хусусида баҳс юритиб: “Таассуфларким, ўтмиш маданий меросимизнинг улкан бўлаги билан биргаликда, мумтоз қасидачилик ҳам сиёсат ва мафкура қурбони бўлиб келди. Биз гўзал миллий қасидаларимизни, улар феодал ҳукмдорларга мадҳу сано йўлида ёзилган, бугун ва келажак учун яроқсиз нарсалар, деб қарадик ҳамда инкор этиб келдик”³³, – дейди. Дарҳақиқат, қасидалар қуруқ мақтов, мадҳу санолардан иборат бўлмай, уларда панд-насихат, таълим-тарбия мазмунидаги ибратли фикрлар ҳам ифодаланган. Шоирнинг “Огоҳнома” қасидаси ҳам пандона шеърининг юксак намунаси.

Бобнинг учинчи фасли **“Шоир шеърятинида мустазод ва таъжибанд жанрларининг бадиий тадрижи”** деб номланади. Унда шоир мустазод ва таъжибандлари бадиияти тадқиқ этилган.

Мустазод – мумтоз шеърятимизда кенг қўлланган лирик жанр. Навоий, Бобораҳим Машраб, Ҳувайдо, Ғозий, Мунис каби иждоқорлар мустазод жанрининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Огаҳий ҳам бир неча гўзал мустазодлар яратган. Шоир қаламига мансуб 3 та мустазод таҳлилида қуйидаги ҳол кузатилди: биринчи мустазодда дастлабки байтнинг биринчи ва иккинчи тўлиқ мисраси ва ним мисралари ўзаро қофияланган. Қолган байтларнинг иккинчи тўлиқ мисраси дастлабки байтнинг тўлиқ мисрасига, ним мисралари биринчи байтнинг ним мисраларига оҳангдош бўлиб келган. Огаҳийнинг “Таъвизу-л-ошиқин” девонидаги 3 мустазодида ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Девондаги иккинчи мустазод эса бошқача тузилишга эга бўлиб, у адабиётимиз тарихида мукамал мустазод намунаси деб юритилади.

³³ Жумаҳўжа Н. Феруз – маданият ва санъат хомийси. – Тошкент: 1995. – Б. 43.

Огаҳий бу мустазодда жанр талабларига янгилик киритган бўлиб, шеърда мавжуд бўлган битта ярим мисра ёнига яна бир ним мисра қўшган. Бу мустазоднинг қофияланишида эса биринчи байтда тўлиқ мисралар ўзаро қофияланган, шунингдек, биринчи мисранинг илк ним мисраси билан иккинчи тўлиқ мисранинг биринчи ним мисраси, биринчи ва иккинчи тўлиқ мисраларнинг иккинчи ним мисралари ўзаро қофияланган. Қолган байтларда эса тўлиқ мисралар биринчи байтнинг тўлиқ мисрасига, биринчи ва иккинчи ним мисралар ҳам дастлабки байтнинг биринчи ва иккинчи ним мисраларига қофияланган:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул,
бир ошиқи хайрон,
дийдоринга шайдо,
Бир шўйифтадур кокули мушкинга сунбул,
бир холи паришон,
ҳам бошида савдо (298).

Бу мустазодда Огаҳий шеърнинг талабидан келиб чиқиб битиладиган ярим мисрасига яна бир ярим мисра қўшган. Тўғрироғи, 1 та ярим мисрани 2 та қилган. Шоир бу билан мустазоднинг шаклида янгилик қилган.

Учинчи мустазод юксак бадий маҳорат маҳсулидир. Айрилиқ тунида қолган ошиқ ул ойдан куёш каби юз очишини, ғам сели вайрон этган кўнгил уйини васли билан қайта қуриши лозимлигини бетакрор ташбеҳлар орқали ифодалаган:

Ҳажринг тунида қолмишам оч, эй моҳи тобон,
хуршид киби юз,
Кўнглум уйини сели ғаминг айлади вайрон,
васлингдин они туз.

Ялдо шабидек шоми фироқинг узок ўлди,
субхидин асар йўқ,

Кулбамға келиб айлади хуршиди дурахшон,
қилғил они кундуз (299).

Ушбу мустазод бадий топилмаларга шу қадар бойки, улар мумтоз адабиётимизда янгилик бўла олган. Анъанага кўра, ошиқ чеккан оҳ ўтга, оловга қиёсланган. Огаҳий буни ривожлантириб, оҳим учқуни чарх уза ҳар ён кўринади, уни юлдуз деб ўйлама ёки даврон Фарҳод каби ғам тоғини ёлғиз қаздиради каби бадий ихтиролар ярата олган.

Огаҳий таржиъбандлари 4 та бўлиб, улар мазкур жанрни гўзал мазмун билан бойитди. Шоир таржиъбандлари 5 банддан 7 бандгача бўлган ҳажмда. Биринчи таржиъбанд моҳиятан Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги таржиъбандига монанд, бироқ вазн, қофия тарафидан фарқ қилади. Навоий ёзади:

Жаҳон қасригадур сув узра бунёд,
Чу йўқ бунёди андин бўлмағил шод.
Не шод ўлғай киши бир қасридинким,
Они Тенгри яратмуш меҳнатобод...

стихотворение превращается в красивый образец художественности. Последовательность образов через глаза, брови, ресницы, переходит в косу, то есть в волосы. Возлюбленная в целях скрытия богатства своей красоты, превращает свои волосы в два дракона. Разрушив крепость терпения возлюбленного, возвышает свою крепость жестокости. Если у неё заканчиваются мучения, всё начинается сызнова. Если возлюбленный изъявляет желание достичь своей мечты, возлюбленная затевает гнев, капризы. Мастерство поэта заключается в том, что и гнев возлюбленной описывается своеобразным способом: «қаҳринг келибон ибo қилурсан».

В четвертом параграфе «Гармония художественной формы и содержания в малых жанрах» раскрывается мастерство Агахи в малых жанрах. А.Абдугафуров указывает, что в диване «Таъвиз уль-ашикин» количество Агахи равно 7³⁴. Ф.Ганиходжаев пишет, что количество двустихий-китъа поэта представлены 7 произведениями. Далее отмечает, что в экземпляре, хранившемся в Санкт-Петербурге, имеются 13 подобных двустихий³⁵. Во 2-томе шеститомника произведений поэта приводятся 40 двустихий-китъа³⁶, 19 из которых рифмованы в стиле месневи, не соответствуют к требованиям жанра.

Образцы двустихий-китъа поэта в основном написаны на философские, суфийские, воспитательные, социально-политические темы и имеют различный объём. В некоторых образцах двустихий-китъа лидирует дух наставления. Они подробно проанализированы в диссертации.

Образцы рубаи Агахи написаны на разные темы: любовь, преданность, человечность, справедливость, благородство, просвещенность, совершенство. В рубаи поэта тема любви занимает ведущее место. Агахи пишет:

Ҳар кимки тариқи ишқ аро содиқ эмас,
Ошиқлик онингдек кишига лойиқ эмас,
Ҳар нечаки чекса туну кун оху фиғон,
Билгилки, жамоли ёрға ошиқ эмас³⁷.

Поэт на примере любви говорит, что верность является великим качеством. Тот, кто отдалён от верности, не достоин любви. Особой выразительностью описывает, что сколько бы он не испытывал мучения, страдания, он не достоин быть в числе возлюбленных. Эти мысли отражают отношение Агахи к любви и возлюбленности.

В рубаите Агахи явно чувствуется подражание творчеству Пахлавана Махмуда. Как известно, в суфизме ненасытность считается большим врагом. Если оставить его на миг в покое, он сразу же овладевает тобой. Пахлаван Махмуд считает храбрецом того, кто одерживает верх над страстью:

Нафсингни енгиб, сен унга шох бўл – мардсан,
Кимсаси йўқларга панох бўл – мардсан,
Номард тепибон ўтар йиқилганларни,

³⁴ Абдугафуров А. Мухаммад Ризо Огахи. — Ташкент, 1999. — С. 60.

³⁵ Огахи. Произведения. Шести томность. Т.2. — Ташкент, 1972

³⁶ Огахи. Таъвизу-л-ошикин. — Ташкент, 1960

³⁷ Там же. — С.440

Агахи создано всего 4 таржийбанда. Они обогатили данный жанр красивым содержанием. Объём таржийбандов поэта составлял из 5 до 7 строк. Первый таржийбанд по своей сути похож на таржийбанд произведения Алишера Навои «Наводир уш-шабоб», однако отличается размером, рифмовкой. Навои пишет:

Жаҳон қасригадур сув узра бунёд
Чу йўқ бунёди андин бўлмағил шод.
Не шод ўлғай киши бир қасридинким,
Они Тенгри яратмуш меҳнатобод...

Агахи следующими строками подражает своему предшественнику:

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас.
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас,
Доимо вайронлиг осори анинг арконидин,
Барча олам аҳлига маълум эрур, мубҳам эмас... (411).

Поэт продолжает идеи Навои, делает художественные нововведения. Агахи, подобно Навои, сравнивает сей мир с трудовой мастерской. Развивая мысли Навои, указывает, что в этой мастерской ни правитель, ни нищий не ощущают свободу, каждый миг им овладевает горе и печаль, здесь нет человека, который ни день не проходит без слёз.

Хотя второй таржийбанд Агахи отличается от первого по размеру, можно сказать, что он является логическим продолжением содержания первого.

Следующий бейт, повторяющийся в конце каждой строки, является доказательством нашего мнения:

Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,
Еткурма жафо азиз жонга.

В стихотворении поэт сравнивает этот мир с садом, удовольствие которого переплетено с печалью. Кроме того, он сравнивает этот мир с кокетливой красавицей, тираном, колдуном, хитрецом, коварным хамелеоном, лживым убийцей. Характеристику каждого описания подкрепляет красивыми примерами.

Ҳар дам манга юз жафо қилурсан,
Минг дардга мубтало қилурсан.
Қатлимга қилиб кўзингни жаллод,
Қасдимга қошингни ё қилурсан.
Ғамзанг қиличин чекиб бошимга,
Жондин баданим жудо қилурсан.
Киприкларинг ўқларини отиб,
Бошдин аёким яро қилурсан...

Эти строки обладают последовательностью в описании образа любимого и его страданий. У возлюбленной, причинившей столько боли, бросившей в тысячи страданий, глаза становятся палачом, брови – стрелой, играя над головой влюбленного мечом кокетства и каприза, разделяет его дух от тела, стреляя своими ресницами, наносит раны всему телу. Посредством контрастов типа *ибтидо – интиҳо, вайрон этубон – бино қилмоқ*

Огаҳий эса шундай ўхшатма қилади:

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.
Доимо вайронлиг осори анинг арконидин,
Барча олам аҳлига маълум эрур, мубҳам эмас... (411).

Шоир Навоий ғояларини давом эттиради, янги бадий топилмалар қилади. Огаҳий ҳам Навоий сингари бу оламни меҳнатхонага қиёслайди. Навоий фикрларини ривожлантириб, ушбу меҳнатхонада шоҳу гадо хуррам эмаслиги, ҳар дам дарду ғам ҳужум қилиши, кўзи ёшсиз ҳамда умрининг бир дами осуда ўтган киши йўқ эканини қаламга олади.

Огаҳийнинг иккинчи таржийбанди вазн нуқтаи назаридан биринчисидан фарқ қилса-да, мазмун жиҳатдан унинг мантикий давоми, дейиш мумкин. Ҳар бир банд охирида такрорланадиган куйидаги байт фикримизнинг исботидир:

Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,
Еткурма жафо азиз жонга.

Шеърда бу жаҳонни боғга қиёслайди, унинг сафоси ғамга тўлган, деб таърифлайди шоир. Шунингдек, бу дунёни нозли дилбарга, золим, афсунгар, маккорага, золи буқаламунга, ботилу қотилга ўхшатади. Ҳар бир сифатлаш изоҳини гўзал мисоллар орқали келтиради.

Ҳар дам манга юз жафо қилурсан,
Минг дардга мубтало қилурсан.
Қатлимга қилиб кўзингни жаллод,
Қасдимга қошингни ё қилурсан.
Ғамзанг қиличин чекиб бошимга,
Жондин баданим жудо қилурсан.
Киприкларинг ўқларини отиб,
Бошдин аёким яро қилурсан...

Ушбу мисралар ёр образи ва унинг жабру жафоси таърифида изчилликка эга. Юз жафо қилган маъшуқа минг дардга мубтало этар экан, кўзларини қатл учун жаллод, қошларини ёй, ғамза, ишва қиличини ошиқ бошига тортиб, жондин баданини айиради, киприкларининг ўқларини отиб, бутун танасини яра қилади. *Ибтидо – интиҳо, вайрон этубон – бино қилмоқ* каби тазодлар орқали шеър гўзал бадийят намунасига айланган. Кўз, қош, киприк орқали юзага чиққан тасвир кетма-кетлиги зулфга, яъни сочга кўчади. Маъшуқа ҳусн бойлигини яшириш учун сочини икки аждаҳо қилади. Ошиқнинг сабр уйини бузиб, ўзининг зулм уйини бунёд этади. Агар жабри тугаса, қайтадан яна бошланиб кетади. Ошиқ орзусига етмоқ тиласа, ёрнинг қаҳри келиб, ибо қилади. Шоир маҳорати шундаки, маъшуканинг қаҳрини ҳам ўзига хос тасвирлайди, “қаҳринг келибон ибо қилурсан”, – дейди.

“*Кичик жанрларда бадий шакл ва мазмун уйғунлиги*” деб номланган тўртинчи фаслда Огаҳийнинг кичик жанрлардаги маҳорати очиб берилади. А.Абдуғафуров “Таъвизу-л-ошиқин” девонида Огаҳий китъалари

сони 7 та эканини айтади³⁴. Ф.Ганихўжаев шоир китъалари сони 7 та экани ҳақида ёзиб, бироқ шоир асарлари тавсифини берар экан, девоннинг Санкт-Петербург нусхасида 13 та китъа бор, деб кўрсатади³⁵. Шоир асарлари 6 жилддигининг 2-жилдида 40 та китъа берилган³⁶. Уларнинг 19 таси маснавий тарзида қофияланган бўлиб, жанр талабига мувофиқ эмас.

Шоир китъалари асосан фалсафий, тасаввуфий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий мавзуларда ёзилган. Ҳажми ҳам турлича. Баъзи китъаларида панд руҳи етакчилик қилади. Диссертацияда улар батафсил таҳлил этилди.

Огаҳий рубойлари ишқ-муҳаббат, вафо-садоқат, инсонийлик, адолат, ҳиммат, илм-маърифат, комиллик ва бошқа мавзуларда яратилган. Шоир рубойларида ишқ мавзуси етакчилик қилади. Огаҳий ёзади:

Ҳар кимки тариқи ишқ аро содиқ эмас,
Ошиқлик онингдек кишига лойиқ эмас,
Ҳар нечаки чекса туну кун оху фиғон,
Билгилки, жамоли ёрға ошиқ эмас³⁷.

Шоир ишқ тариқида содиқлик улугъ фазилат эканини, садоқатдан маҳрум кимсага ошиқлик лойиқ эмаслигини айтади. Ҳар қанча оху фиғон чекмасин, у ошиқлар тоифасидан бўла олмаслигини таъсирчан ифодалайди. Бу фикрлар Огаҳийнинг ишқ ва ошиқлик борасидаги тутумини акс эттирган.

Огаҳий рубойларида Паҳлавон Маҳмуд ижодига ҳамоҳанглик яққол сезилади. Маълумки, тасаввуфда нафси аммора қатта душман саналади. Уни бир лаҳза тинч қўйсанг, у дарров сенинг устингдан ғалаба қозона бошлади. Паҳлавон Маҳмуд нафсни енгган, унга шох бўлганни мард санайди:

Нафсингни енгиб, сен унга шох бўл – мардсан,
Кимсаси йўқларга паноҳ бўл – мардсан,
Номард тепибон ўтар йиқилганларни,
Мискин ва ғарибга пойгоҳ бўл – мардсан³⁸.

Огаҳий Паҳлавон Маҳмуд фикрларидан ижодий қувват олар экан, мазмунни ифодалашда поэтик шакл танлашда ўзига хос йўлдан боради:

Ё Раб, мани нафс бандидан айла халос,
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла халос.
Ҳар ишда писандингни манга рўзи этиб,
Олам элининг писандидан айла халос (436).

Паҳлавон Маҳмуд наздида, нафсни енгитиш, кимсасизларга паноҳу ғарибларга пойгоҳ бўлиш мардлик ҳисобланса, Огаҳий лирик қаҳрамони Аллоҳга мурожаат қилар экан, нафс бандидан, кибру ҳаво сиртмоғидан, олам аҳлининг писандидан халос бўлишни сўрайди. Огаҳий лирик қаҳрамони мурожаати ҳам чинакам мард, жавонмард инсоннинг сўровидир.

Огаҳий табиат тасвири мавзусида ҳам гўзал рубойлар битган. Бошқа шеърини асарларида бўлгани каби баҳор мадҳига, наврўз таърифига тўхталар

создал несколько красивых мустазодов. При анализе трех из них, было установлено следующее: рифмуются первая и вторая полные строки и полустроки первого бейта (первый мустазод). Вторые полные строки последующих бейтов созвучны аналогичным строкам предыдущего бейта, а полустроки – гармоничны полустрокам предыдущего бейта. Подобное наблюдается и в 3 мустазодах дивана «Тавиз уль-ашикин» Агахи. Второй мустазод дивана имеет иную структуру. Он рассматривается в истории литературы как образец мустазода, доведенный до совершенства. В данном мустазоде Агахи вводит новшество: имеющейся полустроке в структуре стихотворения, добавляет еще одну подобную строку. Рифмовка данного мустазода сводится к следующему: в первом бейте рифмуются полные строки, также, первая полустрока первой полной строки рифмована с первой полустрокой второй полной строки, соответствующим образом рифмованы вторые полустроки первой и второй полных строк. В остальных бейтах также полные строки рифмуются с полной строкой первого бейта, первая и вторая полустроки рифмуются с подобными строками первого бейта.

Поэт пишет:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул,
бир ошики ҳайрон,
дийдоринга шайдо,
Бир шўйифтадур кокули мушкинга сунбул,
бир холи паришон,
ҳам бошида савдо (298).

Как видим, в данном мустазоде Агахи вводит вторую полустроку, исходя из требований стиха, точнее вместо одной требуемой полустроки приводит две. В этом и заключается новаторство поэта в данном жанре.

Третий мустазад – произведение высокого художественного мастерства. Посредством неповторимых сравнений поэт изображает разлуку с возлюбленной, надежду на повторную встречу:

Ҳажринг тунида қолмишам оч, эй моҳи тобон,
хуршид киби юз,
Кўнглум уйини сели ғаминг айлади вайрон,
васлингдин они туз.

Ялдо шабидек шоми фирокинг узоқ ўлди,
субҳидин асар йўк,
Кулбамға келиб айлади хуршиди дурахшон,
қилгил они кундуз (299).

Этот мустазод настолько богат художественными находками, что они в нашей классической литературе стали новшеством. По традиции страдания возлюбленного сравнивались с огнём, пламенем. Агахи развивая это, пишет, охим учқуни чарх уза ҳар ён кўринади, уни юлдуз деб ўйлама, ёки даврон Фарход каби ғам тоғини ёлғиз қаздиради. Таким образом он смог ввести художественные нововведения.

³⁴ Абдуғафуров А. Муҳаммад Ризо Огаҳий. — Тошкент: 1999. — Б. 60.

³⁵ Ганихўжаев Ф. Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог). — Тошкент: 1999. — Б. 90.

³⁶ Огаҳий. Асарлар. Олти жилдлик. Ж.2. — Тошкент: 1972. — Б. 265-275.

³⁷ Ўша манба. — Б.440.

³⁸ Абдулҳаким М. Иймон тухфаси. — Тошкент: 1998. — Б.17.

Агахи написал два произведения в жанре мурабба: первый начинается строкой «Жамолинг шавкида ёкти фалакни ўтлиг афғоним», а второй – «Ул паривашким, дилу жонимда ишки доғидир». Способ рифмовки обоих указанных образцов – а-а-а-а, б-б-б-а. Данные произведения довольно большого объёма: первый состоит из 15 куплетов, второй – из 9. Агахи в первом мурабба обращается к возлюбленной, ждет от нее благосклонности, излагает свое душевное состояние:

Жамолинг шавкида ёкти фалакни ўтлиг афғоним,
Бори ер юзини тўфонга берди чашми гирёним,
Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,
Нигорим, мехрибоним, макраMAT тахтида султоним (402).

Строка «Нигорим, мехрибоним, макраMAT тахтида султоним», повторяющаяся в конце каждого куплета, придает особую привлекательность стихотворению. В нем описывается, что возлюбленная беспощадна и оказывает милость сопернику, дни, проведенные в разлуке с любимой, подобны дням, проведенным в зиндане (темнице). Он сетует на то, что даже ни на миг возлюбленная не проявляет взаимность. Все это передаётся посредством красивых оборотов.

Поэтом создано всего 4 мусамманов. Из них 1 – на персидско-таджикском языке, остальные 3 – на узбекском. Первый и третий мусамманы дивана относятся к любовной тематике, а во втором повествуется о быстротечности этого мира, о цене жизни, о том, чтобы не поддаваться похотям сего мира, распутству, а также о том, что подобные люди не достигнут цели.

В диване Агахи насчитывается 19 од. Общий их объём составляет 1002 бейта. В них восхваляются правители. Особого внимания заслуживает ода, условно названная литературоведами «Агах-наме». Н. Джумаходжа, вступая в дискуссию об оде Агахи, посвященной Ферузу, отмечает: «К сожалению, наряду с огромной частью нашего культурного наследия в прошлом, классическое одотворчество также стало жертвой политики и идеологии. Мы считали и отвергали наши прекрасные национальные оды, квалифицируя их как восхваление феодальных правителей и оценивая как непригодные для настоящего и будущего»³³.

На самом деле, оды не состоят полностью из сухих похвал и гимнов, они также содержат образцовые идеи в контексте наставления и просвещения. Высоким образцом наставленческой лирики поэта является ода «Агах-наме».

Третий параграф главы называется «Художественная эволюция жанров мустазад и тажиьбанд в лирике поэта». В нем раскрываются особенности произведений поэта, относящихся к указанным жанрам.

Мустазад – лирический жанр, широко используемый в узбекской классической поэзии. Навои, Боборахим Машраб, Хувайдо, Гази, Мунис внесли большой вклад в развитие рассматриваемого жанра. Агахи также

экан, барибир инсон омили биринчи ўринга чиқади. Уларнинг инсон ҳаётига бахш этадиган қувончини, бахту иқболини тараннум этади:

Эй, барча кунинг айш ила наврўз ўлсун,
Ҳам тоза йилинг саодат андуз ўлсун.
Хуршид киби мартабаи иқболинг,
Тадриж била баланду фируз ўлсун (444).

Шоирнинг қиш, совуқ таърифига бағишланган рубоийларида эса лирик қаҳрамоннинг забун аҳволи тасвирланган.

Огаҳий рубоийларида тасаввуфий ғоялар илгари сурилар экан, маънавий муҳтожлик, эҳтиёжмандлик ҳақида ҳам фикр юритилган. Бундай мисралар шоир ижодида шохбайтлар даражасига кўтарилган.

Чистон Огаҳий шеърӣй меросининг таркибий қисми сифатида атрофлича илмий тадқиқ этишни талаб қилади. Зеро, шоир чистонлари бу жанр ривожининг янги бир босқичи ҳисобланади. “Давлат” чистонида шоир хумо кушининг боши тўртдур, дейиш билан абжад ҳисоби бўйича “дол” ҳарфи 4 рақамини, “бўйнидур олти” тасвирида “вов” ҳарфи 6, “тани ўттуз” ифодасида “лом” ҳарфи 30, “аёки тўрт юз” бирикмасида “те” ҳарфи 400 рақамларини ифодалашига диққат қаратади. Яқунда “Давлат” сўзи келиб чиқади³⁹. Дарҳақиқат, ушбу фикрлардан хулоса қилиш ўринлики, Огаҳий бадиӣй шакл ҳамда мазмун уйғунлигига эриша олган.

“Танга” чистони Навоийнинг шу номдаги шеърӣй топишмоғи таъсирида битилган:

У на дилбарким, тани симин ўлуб,
Бадр янглиғ сурату сиймосидур.
Хат бутуб икки юзида сарбасар,
Зийнат афзойин рухи зебосидур.
Жуссаи тирноғ юзи янглиғ кичик,
Лек улуғлар ишқининг расвосидур (517).

Шоир байтларда танганинг тасвирини чизади. Унинг икки юзига хатлар, рақамлар битилиб зеболангани, бу кичик жусса билан улуғларни ҳам ишқиде расво, девона қилгани ташбеҳ ва тазод орқали сувратланган. Кейинги мисраларда тасвир янада кучаяди. Шоир ифодага ҳажвий руҳ бериб, катта ижтимоӣ муаммони қаламга олади. Барча олам аҳли “танга”нинг савдосида экани, бой, камбағал, қарию йигит девонаю шайдолиги, унинг висолига етишган аднолар эл ичида эътибор қозониши, агар донода у бўлмаса, хор бўлиши донишмандлик билан ифода этилган.

Туюк – туркий шеърӣятнинг хос жанрларидан. Огаҳий 10 та туюк ёзгани маълум. Шоир туюкларидан 9 таси а-а-б-а шаклида қофияланган. Уларнинг барчасида 1-, 2-, 4-мисраларда тажнис сўзлар маҳорат билан келтирилган. 1 та туюк 6 мисрадан иборат бўлиб, а-а, б-а, в-а тарзида қофияланган. Ушбу туюкни китъа-туюк дейиш ўринлидир. Ўзбек мумтоз адабиётида китъа-туюклар ҳам кўп яратилган. Айниқса, бундай туюклар Навоӣй девонларида, Мунис ижодида ҳам учрайди.

³³ Жумаҳўжа Н. Феруз – маданият ва санъат хомийси. – Тошкент, 1995. – Б. 43.

³⁹ Маждий Р. Огаҳий лирикаси. – Тошкент: 1963. – Б. 29.

Огаҳийнинг бир туюғи куйидагича:

Чехрасининг гарчи муҳрик нори бор,

Бергуси доим ниҳоли нори бор.

Сигмағунг базми аро, эй муддаий,

Телмуруб турма бу ерда, нори бор (448).

Биринчи мисрада шоир ёр чехрасининг муҳрик, яъни киздирувчи, куйдирувчи кизиллиги, доғи бор, дейди. Иккинчи мисрада маъшукани гўзал анор ниҳолига қиёс этади. Лирик қахрамон рақибдан рашк қилиб, сен унинг базмига сигмайсан, нари бор, дея қувиб солади. Огаҳий бу ерда ”нори” шаклдош сўзи орқали туюқ яратган.

Огаҳий туюқлари шакл жиҳатидан бу жанр талабларига тўла мос келади. У 6 мисрала туюқ яратиш, бу жанрда янгилик қилди. Шоир туюқларидан 6 таси ишқий мавзуда бўлиб, уларнинг ҳам баъзи ўринларида тасаввуфий ғоялар мавжуд. Қолган 4 та туюқ тўлалигича тасаввуфий қарашларни акс эттирган. Уларда “Қаноат”, “Ғайб асрори”, “Нафси саркаш” ҳақида сўз боради. Огаҳий бу жанрда ҳам ўзининг маҳорат сирларини кўрсата олган.

“Таъвизу-л-ошиқин” девонида 1 та муламмаъ бор. У куйидагича:

Кўнглинг жойи то дар оташи ишқат муқаррар шуд,

Чиқа олмай ул ўтдин як нафас ҳамчун самандар шуд.

Маълумки, муламмаъ икки тилда шеър ёзишдир. Огаҳийнинг ушбу муламмаъси ҳам ўзбек ва форс тилида битилган. Бу шаклда ҳам Огаҳийнинг маҳорати яққол кўринади. Шоир кўнглинг жойи ишқ ўтида муқаррар бўлди, ўша ўтдан чиқа олмай бир дам самандар бўлди, дейди. Ишқ оловида куйган кўнглининг самандарга ўхшатилиши бадий топилмадир.

Огаҳий 80 та муаммо ёзган. Шоирнинг барча муаммолари бир байтдан иборат бўлиб, улар ўзаро қофияланган. Шоир муаммолари бўйича тадқиқот олиб борган адабиётшунос М.Матякубова шундай ёзади: “Огаҳий кўпроқ интикод, тародиф, тасҳиф, таълиф, исқот, ҳисоб, қалб каби амалларни усталик билан ишлатиб, ўзининг фикр, қарашларини ифода эта олган.”⁴⁰

Кафинг чу дуржи гуҳар сочти ҳар дам,

Мурод беҳаддига восил ўлди ҳосилам.

Муаммонинг биринчи мисрасидаги “дуржи гуҳар” сўзларидаги кинояга кўра, “кафинг” сўзидаги “нун” ва “коф” ҳарфлари чиқади. Иккинчи мисрадаги “мурод” сўзи беҳад қилинади, ундан “мим”, “ре”, “алиф” ҳарфлари қолади. Мазкур ҳарфлар тартиб билан келтирилса, “Комрон” сўзи ҳосил бўлади.

Шоир муаммолари сон жиҳатидан салмоқли. Мазмунан ҳам бой. Огаҳий бу мураккаб жанрда Навоий, Бобур каби ижодкорлар анъанасини давом эттириб, бадий маҳоратини намоён этган.

“**Образ яратиш маҳорати**” номли учинчи бобнинг биринчи фасли “**Ошиқ – маъшуқа - рақиб учлиги поэтик ифодасидаги ўзига хослик**” деб аталади. Шоир шеърлятидаги образлар анъанавий бўлса ҳам, аксар ҳолларда

можно встретить и такие строки, которые, кажется, противоречат принципам шариата. В частности:

Кетур, соқий, қадаҳким, базмгоҳ ийди курбондур,

Кўнгуллар майли айшу ишрат айларға фаровондур (125).

Конечно, грешно пить вино в период празднования Курбан байрама. Однако, читая данные строки, впитанные суфийской мудростью, становимся свидетелями того, что поэт выдвигает мысль о том, что душа каждого верующего должна наполняться просветлением, верой в бога. В целом, по этой теме также Агахи продемонстрировал своё высокое мастерство.

В творчестве поэта есть газели, в которых описываются природа, охотничьи приключения. Заслуживают внимания те строки, в которых поэт описание прихода весны, процветания природы связывает с событиями общественной жизни. Это свидетельствует о том, что центральное место в газелях поэта принадлежит теме человека.

Газели Агахи – образцы высокого искусства по форме, объёму и содержанию. Поэт расширил тематику этого жанра, наполнив традиционные темы социальным, философским содержанием. В газелях поэт использует оригинальные образы и художественные воплощения, которых невозможно обнаружить в других стихотворениях. Он создавал газели, состоящие из 23 бейтов, которые редко встречаются в узбекской литературе. Газели Агахи – достойный вклад в совершенствование данного жанра.

Второй параграф главы называется «**Проявление таланта поэта в жанрах мусаммат и ода**». В данном параграфе анализируются стихотворения Агахи в жанрах мухаммас, мусаддас, мурабба, мусамман и ода.

В диване после газелей приводятся мусамматы. В творчестве поэта важное значение придается и таким жанрам, как мухаммас, мусаддас, мурабба, мусамман мухаммас.

Ф.Ганиходжаевым указывается, что Агахи создано 84 мухаммасов, а по А.Абдугафурову – 90. Агахи наряду с написанием самостоятельных мухаммасов, создавал и пятистишия, посвященные газелям Навои. Вдохновлялся творчеством Физули. Посвятил мухаммасы таким его газелям, как Мунис, Диловар, Феруз, Амир, Хон, Вазир, Ғозий³². Мухаммасы поэта свидетельствуют о том, что он написал достойный отклик на произведения таких великих поэтов Востока, как Навои, Физули, Мунис. Он умел выражать свое мнение на уровне своих великих предшественников. Независимые мухаммасы – образец высокого мастерства:

Қаддим хамини сарви ситамкорима айтинг,

Сабрим камини ғамзаси бисёрима айтинг,

Қўзим намини кўзлари таррорима айтинг,

Қўнглим ғамини, дўстларим, ёрима айтинг,

Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг (350).

⁴⁰ Матякубова М. Зеҳн зийнати. – Урганч: 1998. – Б. 9.

³² Ганихўжаев Ф. Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог). – Тошкент, 1986. – Б. 80-81.

Жаҳон бозорида синдирди ёкуту гуҳар кадрин,
Дурафшон нукта бирла лаъли хандонингга салламно...

В этой газели Агахи также гармонизирует свои суфийские взгляды с образом любви. Если первые семь бейтов газели посвящены описанию возлюбленной, её внешней красоты, то восьмой, девятый и десятый бейты заключают в себе суфийский смысл. В мактаъде поэт повествует о себе. Он завершает поэтическую мысль восхвалением своей души, которая посвятила себя тяжелому труду. Как утверждает литературовед Н.Джаббаров, «Достичь свидания с возлюбленной Агахи понимает как Навои, “наслаждение красотой возлюбленной, тогда как оба сердца чисты от иных намерений”»³¹.

Среди диванов поэта есть несколько газелей, полностью отражающих его отношение к эпохе. Одной из подобных является газель, начинающаяся словами «Даҳр қасриким...»:

Даҳр қасриким ҳақиқатда кўхан вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.

Саҳфида ер сарбасар ондин ёғор гарди хатар,
Амниятдин йўқ асар, ваҳ, на ажаб кошонадур (103).

В этом стихотворении поэт сравнивает каждого человека со свечой, которая в результате жизненных забот сгорает дотла. В последующих бейтах развивает смысл и человек уподобляется мотыльку, кружась у свечи блаженства. Таким образом поэт сетует на мучения периода, размышляет о том, как найти выход для своих современников из бед. Газели Агахи с редирами «Умр», «Кўнги́л» полностью повествуют о жизненной философии.

Среди газелей поэта имеются и такие, которые заключают в себе автобиографический смысл. В них также наблюдается обстоятельство, описанное в вышерассмотренных газелях. Некоторые из них полностью автобиографичны либо в некоторых бейтах говорится о самом поэте. Газелей поэта, начинающихся со строк «Эй оқил, этма золи жаҳон бирла ихтилот», «Эй кўнги́л, афтодалиғ йўлин тутиб, оламдин ўт», «Эй муалло, боргоҳинг арши аъзам бўлди тут», «Илохий, шоҳи одил муддати умрин фаровон эт», «Кел, эй махзун кўнгул, хўй эт ғаму андуху кулфатға» можно причислить к газелям, имеющим философско-дидактический смысл. Агахи в данных газелях повествует о недолговечности жизни, о почитании невежд и угнетении разумных, призывает стремиться к духовному совершенству, не предаваясь сиюминутным удовольствиям, не руководствуясь принципами зависти, предупреждает от пороков, ведущих к незнанию.

В поэзии Агахи можно встретить и вольнолюбивые газели. Толчком для создания таких газелей Агахи послужило воодушевленность поэзией Хафиза Ширази (1325-1388). Известно, что вино – символ божественной любви в суфийском смысле. Полный бокал вина и процесс выпивки его отождествляется наслаждению божественным разумом. В творчестве Агахи

талкиннинг янгилиги билан алоҳида ажралиб туради. Албатта, унда кўп қўлланган образлар ошиқ, маъшуқа ва рақибдир. Маълумки, ошиқ образи маъшуқа образи билан ўзаро яқинлик ва бирликда яратилади. Рақиб образи улар билан ёнма-ён тасвирланади.

Огаҳий наздида, ишқ шаробидан ичган киши мурод-мақсадиға эришади. Ишққа гирифтор банда эса ком, яъни мақсад бодасидан сархуш бўлади. Кимники ишқ жон мамлақатини хароб қилган бўлса, у учун икки жаҳон мамлақати фаровон бўлгусидир.

Бу маҳфил ичра кимга ичирса шароби ишқ,
Айлар муроди нашъасидан комёб ишқ.

Икки жаҳон мамолики маъмур бўлгуси,
Қилган кишиға кишвари жонин хароб ишқ⁴¹.

“Ошиқ” радиғли ғазални шоир томонидан бу образға қўйилган талаблар, ишқ аҳлининг йўриқномаси, дейиш мумкин. Шоир ўзини ошиқлар аро тенгсиз ва бенаво деб атайди. Унинг наздидаги ошиқ нафспараст эмас. Буни ишқдаги огоҳлик, дейиш мумкин. Тасаввуфға кўра, нафс – барча ёмонликлар сабабчиси. Шу боис ҳам Огаҳий нафсға тобе бўлмасликни тарғиб қилган. Шоир шеърятдаги ошиқ образи афсонавий Фарҳод ва Мажнундан ҳам юқори ўринда турувчи, барча бало-офатларға бардош берувчидир. Айни кезде у маърифатли солиқ ҳамдир. Ўзига илмни қасб этгани боис афсонавий қахрамонларға ҳам у ишқ илмидан сабоқ беради.

Ишқ дарсин Вомику Фарҳод мандин ўрганур,
Қасби илм этса, нетонг, атфол устод оллида (48).

Фузулий образлар оламидан таъсирланиб, устоз ижодкор ғазалларига татабулар битган шоир наздида ошиқ ишқ йўлида жонидан, жисми урёнидан, гирён кўзларидан, ҳатто иймонидан кечишға тайёр солиқ сифатида тасвирланади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай фазилатларға фақат чин ошиқларгина эга бўлади.

Огаҳий ижодида маъшуқа образи асосий ўринни эгаллайди. Ошиқ кўп ҳолларда унга муҳаббат изҳор қилади, унинг бевафолиғидан, раҳмсизлиғидан зорланади. Баъзи ўринларда ёрнинг ички дунёси очиб беришға ҳаракат қилинади, руҳий дунёси тасвири берилади. Кўпчилик ҳолларда у айёр, шўх, мағрур, бепарво, вафосиз каби сифатларда қаламға олинади. Маъшуқа баъзи ўринларда вафодор, айрим ўринларда зулмкор сифатида таърифланади. Баъзан у ибто-ҳаёли, кўнгулға шодлик, жисмға қувват бахш этувчидир. Ўлган ошиққа Исо Масиҳ каби ҳаёт ато қилувчидир. Шоир маъшуқани шундай гўзал сифатлашлар билан таърифлайдики, бунда ёрнинг хислату фазилатлари муболага орқали тасвирланади. Огаҳий маъшуқани *хуришиди тобон, оби ҳайвон, шамъи шабистон, зилли Субҳон, савлатлиғ Сулаймон, давлатли султон*, деб таърифлайди.

Огаҳийнинг шундай ғазаллари борки, уларда маъшуқа энг гўзал ташбеҳ ва қиёслар орқали тасвирланади. Уларда ёрга нисбатан заррача салбий

³¹ Жаббаров Н. Илм андоғ ганжи нофиьдур... // Шарқ юлдузи, 2002, 3-сон. – Б.151.

⁴¹ Огаҳий. Таъвизу-л-ошиқин. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2014. – Б.183.

қарашлар учрамайди. Уни шоир ҳаёти жовидон, Исо нишон, гул очган гулистон, подшоҳи комрон, ғамгусору меҳрибон, Сулаймони замон, ёри кадрдон, тани оромижон, дея шарафлайди.

Огаҳий ғазаларида маъшуқа хусну жамолини таърифлаш билан чекланмайди. Ёрнинг маънан бойлиги, илмга ошнолиги, ҳатто илми ладунийдан хабардор экани тасвирланади. Маъшуканинг маърифати бу қадар васф этилган ғазаллар эса кўпчилик ижодкорлар меросида учрамайди.

Мумтоз адабиётимизда рақиб образига кўп мурожаат этилган. У ағёр, ғайри, ўзга номлари билан ҳам юритилган. Ҳамиша ошиққа душман сифатида кўрилган. Шоир баъзан “рақиб” ўрнида “муддаий” сўзини қўллайди. Бу икки сўз замирида бир образ назарда тутилгани мисралар моҳиятидан ҳам англашилади. Маълумки, ошиқ ва маъшуқа бор жойда ағёр ҳам ҳозир нозир. Ағёр тимсоли муҳаббат оловини алангалатишга хизмат қилади. Маъшуканинг ағёрга “марҳамати” ошиқнинг садоқатини синаш, рашкини кўзгаш учун қилинадиган тадбирдир. Ошиқ, маъшуқа ва рақиб учлигининг композицион яхлитлиги асарнинг таъсир кучини оширади.

Бобнинг *“Ижодкор маҳоратининг ирфоний образ ва рамзлардаги ифодаси”* деб номланган иккинчи фасли шоир шеърлятидаги тасаввуфий тимсол ва рамзлар тадқиқи бағишланган. Огаҳий шеърлятида кам учраса ҳам, ринд тимсоли ғазалнинг ғоявий кўламини, салмоқдорлигини белгилашда муҳим ўрин тутаяди. Жумладан, “Менга”, “Айлаб”, “Шом”, “Садқа” радибли ва бошқа ғазалларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шундай ғазаллар ва бошқа жанрдаги шеърлар борки, улар бошдан охир риндона мавзуда. “Қадах” радибли ғазал, “Соқийё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидир” деб яқунланувчи мураббаъ ва бошқа жанрлардаги шеърлари бунинг исботидир.

Шамъ ва парвона Шарқ адабиётида кўп қўлланиладиган тимсоллар. Ҳар бир шоир ушбу тимсолларга ўзгача ёндашади, уларни ўз тафаккури ва ижодий салоҳиятидан келиб чиқиб талқин этади. Огаҳий ғазалида шамъ мустақил тимсол тарзида намоён бўлади. Шамъ – куйиб ўртанувчи ошиқ, париваш ишқида зор девона.

Огаҳий шеърлятида соқий образи ҳам фаол қўлланган. Маълумки, тасаввуфда соқий маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчидир. Баъзан соқийдан мурод Кавсар ва у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади. Одатда, соқийга мурожаат қилинган байтда, албатта, май ҳам тилга олинади. Ўз-ўзидан бундай шеърларда риндона мазмун-моҳият акс этади. Шеърлятида май қуювчи бир қанча истилоҳлар билан юритилади: “Аёқчи, соқий, пири майхона, пири муғон, пири майқада, пири дайр, пири ишқ, пири харобот, муғ, муғбача, пири хаммор, майфуруш, аҳли базм каби тушунча ва тимсоллар ҳам ўзаро маънодош саналиб, инсонни камолот йўлига бошлаб, уни тариқат босқичларидан олиб ўтадиган, ...илоҳий маърифатдан баҳраманд қилиб, комиллик мақомига кўтарадиган маънавий, руҳоний раҳбар, пири муршидни англади⁴²”. Дарҳақиқат, Огаҳий шеърлятида бу образ соқийдан бошқа юқоридаги каби бир қанча номлар билан ҳам учрайди.

⁴² Асадов М. Риндона маъно ва руҳият тасвири. – Тошкент: 2019. – Б. 65.

Вторая глава диссертации названа **«Поэтика жанров в лирике поэта»**. В данной главе исследуется то, что жанры классической литературы поэтом доведены до совершенства, рассматриваются также их поэтика. В первом параграфе, озаглавленном **«Газель – основной критерий мастерства Агахи»**, освещается вклад поэта в развитие данного жанра.

Агахи – один из видных представителей тюркской классической литературы после Навои. Произведения, представленные более 20 жанрами поэзии, сосредоточены в диване «Тавиз уль-ашикин» и составили основу его поэтического наследия. Газели, определяющие содержание дивана, подобно газелям Навои, превратились в «энциклопедию лирических переживаний»²⁸. Поэтом на узбекском языке создано 447 газелей, а на персидском – 23. Они представлены в основном темами любви, учености, веселья, духовности, социально-философской, природы, охоты. Важно отметить, что поэт расширил жанр газели с тематической и идеологической точек зрения.

Неслучайно жанр газели занимает важное место в творчестве Агахи. Это связано с тем, что написание газелей вошло в традицию в нашей классической литературе, ее структура и объем очень компактны, они удобочитаемы и легко запоминаются. Именно по этой причине наши поэты-классики создавали бессмертные газели, поднимая в них как вопросы романтического характера, так и социально-философские проблемы. В своих исследованиях таджикский литературовед А.Мирзаев, узбекские ученые Х.Сулайманов, А.Хайитметов, О.Насыров и другие высказали теоретические суждения о жанре газели из 7, 9 бейтов²⁹. Т.Бабаев отмечает, что «в узбекской литературе часто создавались газели из 7, 9 бейтов». Х.Умунов указывает, что «Газель может включать в себя от 3 до 19 бейтов»³⁰. В диване «Тавиз уль-ашикин» Агахи встречаются газели объемом от 6, 7 до 18, 23 бейтов.

Центральная тема газелей поэта – любовь. Агахи в газели с редифом «Салламно» до совершенства доводит образность и идейную цель, что также отмечается и многими его последователями. Он мастерски использует эпитеты и метафоры при описании возлюбленной (ҳар лаҳзада юз жон оладиган фаттон кўзлари, ҳар дам минг қон тўкадиган киприқлари, жаҳон бозорида ёқут ва гавҳарлар кадрина синдирган лаблари, ошиқнинг паришон қалбини бир жойга жам айлаган сочилган сочлари, қоронғу кулбасини ёритган юз нури, сарвқадларни қумри каби нолон этган қадди-қомати, Юсуфни ҳам хайратга солган малоҳатли юзлари, ўликни тирилтирувчи сўзлари). Бейты газели настолько мелодичны, настолько переплетены, что заменить их либо переставить невозможно:

Олур ҳар лаҳза юз жон чашми фаттонингга салламно,
Тўқар ҳар дамда минг қон тиғи мужгонингга салламно.

²⁸ Ҳоҷиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 1999. – Б. 174.

²⁹ Мирзаев А.М. Рудаки и развитие газели в X–XV вв. – Душанбе, 1958; Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 1-том. – Тошкент, 1959 (Сўзбоши Ҳ.Сулаймоновники).

³⁰ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент, 2002. – Б. 481; Умунов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент, 2004. – Б. 230.

стихам. Все они отражают жизненную действительность того времени»²⁶. Как утверждает Матназар Абдулхаким, исследовавший и переведивший «Ашъори фарси» Агахи, «Творчество Мирзы Абдулкадира Бедия, как и многих других мастеров слова, покорило и Агахи. Можно с уверенностью сказать, что глубина мышления Агахи, необычайный масштаб, многослойность содержания также являются результатом влияния Мирзы Абдулкадыра Бедия»²⁷.

В персидско-таджикских стихах Агахи прослеживается отпечатки влияния Фирдавси, Хафиз Шерази, Джалалиддина Руми и Бедия. Большинство персидских стихотворений поэта посвящены теме любви, они сочетаются с темами веселья и учености. Если газель со вступительным двустушием «Азми сайри боғ кун, эй гулбузор, омад баҳор» является прекрасным образцом природной лирики, а газель «Эй дил, зи чарх ком таманно макун абас» заключает в себе суфийское содержание. Поэт пишет:

Эй, забонам карда дар бар чун нигин номи туро,

Шуд дилам ойинадори рӯи гулфони туро.

В этих стихах Агахи пишет, что личико, возлюбленной подобное цветку, нашло отражение в зеркале его души. И во втором байте он говорит, чтоб ему посчастливилось целовать оставленный ею след; телом своим, созданным из глины, он готов посыпать дорожку возлюбленной. В этих стихах также поэт демонстрирует свое высокое художественное мастерство. Тот факт, что лицо влюбленного – зеркало души, а тело свое он готов пожертвовать, обсыпав дорожку возлюбленной, является доказательством того, что поэт возобновил образ.

В газели с редифом «Имшаб» также повествуется о любви и влюбленности:

Мададкори намуда ахтари бахтам маро имшаб,

Мунаввар гашт чашмаи аз руҳи он маҳлиқо имшаб.

Газель начинается с традиционного образа. Поэт пишет, что сегодня вечером ему помогла звезда счастья, его глаза засияли от света ее лица, когда он потерял её, то согласился даже на смерть, но её приход избавил его от всех недугов.

Взгляды Агахи, связанные с символом вина, в газелях о лицемерии сподвижника весельчак Шераз – достойно продолжал традиции Хафиза Шерази. Поэт говорит приятелю, что тот подобен вину в чаше любви и советует ему, что не позорил себя, заходя в таверны. Агахи всегда предпочитает быть в уединении. Пишет, что душевный покой – лекарство от всех недугов.

Продолжение традиций персидской поэзии не отрицает оригинальности и высокой художественности газелей поэта. В них делается множество художественных открытий, образы доводятся до поэтического совершенства. В исследовании эта научная проблема рассмотрена детально.

Огахий шеърятисида ориф образининг ҳам алоҳида ўрни бор. Шоир орифона ғазалларида маърифат соҳиби бўлган зот ўлароқ ғавдаланади. Ориф образида дунёни фалсафий идрок этиш, олам ва одам хусусида донишмандлик билан фикр юритиш устуворлик қилади. Огахийдаги орифлик даставвал ҳақиқий ишқни англаб етишда, нафсининг чинакам душман эканини билишда намоён бўлади. Шоир назаридаги орифнинг яна бир хусусияти қаноатдир. У бойликка қонё, фақр аро азиз бўлишни истаиди.

Қонё айлабон ганжу фақр аро азиз эткил

Ким, мани залил усру айламиш ҳавас, ё Раб (56).

Огахий ирфоний қарашларида мажоз ва ҳақиқат муносабати алоҳида ўрин тутати. Бу ҳақда адабиётшунос Н.Жабборов куйидагиларни ёзади: “Шоир лирикасидаги ирфоний моҳиятни ўрганишда мажоз ва ҳақиқат муносабати масаласи муҳим ўрин тутати. Мумтоз шеърятимизда алоҳида аҳамиятга молик бу мавзун ижодкор теран мазмун ва ғўзал бадий шакл уйғунлигида талқин этади. Шоирнинг “мажоз ичра кудуратлар етишган” кўнглига “ҳақиқат жомининг базмидин сафо” етказишни сўраб, Яратганга илтижо қилиши бунинг исботидир”⁴³.

Хуллас, Огахий образ яратишда бой мумтоз адабий анъаналардан фойдаланиб, улкан натижаларга эришган.

“Бадий санъатлар, қофия ва радиф поэтикаси” деб номланган тўртинчи боб икки фаслни ўз ичига олади. Огахий шеърятисидаги бадий санъатлар бўйича адабиётшунос А.Ҳожиаҳмедовнинг тадқиқотлари диққатга сазовор⁴⁴. Шунингдек, бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам Огахий шеърятисидаги бадий санъатлар масаласи қисман ёритилган. Ушбу тадқиқотда юқоридаги ишларда тўхталинмаган баъзи бадий санъатлар таҳлил қилинди.

Шоир шеърятисида “...луғатта тугун боғламок, назмда каломнинг насрда бўлмаган тугунлуғи бор бўлгани учун сочма каломни тизма қилмок”⁴⁵ маъноларини англаган ақд санъати фаол қўлланган. Унга кўра, мақолнинг мазмуни муайян мақсад билан шеърга олиб кирилади. Мақолнинг мазмуни сезилиб турса-да, унинг шакли шеъринг вазн талабларига мослашган ҳолда янгича қиёфа қасб этади, аниқроғи, у шеърга айланади⁴⁶. Огахий шеърятисида ҳам халқ мақолларининг мазмуни шеърга солинган ўринлар анчагина. Халқимизда “Меҳнатнинг нони ширин” деган мақол бор. Огахий эса бу мақол моҳиятини куйидаги тарзда ифодалаган:

Эй ғаний, ҳалвони таъриф этмаким фақр аҳлиға,

Тортибон меҳнат, топиб эрмас еган нондин лазиз (99).

Огахий ўз шеърятисида **иттифоқ** санъатига ҳам мурожаат қилган. Иттифоқ (ўзаро мувофиқлашиш) маънавий санъатлардан бўлиб, форс-тожик ва ўзбек мумтоз поэзиясида унинг ишлатилиши узоқ даврлардан буён мавжуд бўлса ҳам, бироқ илми бадеъга доир машхур асарларнинг кўпида у

⁴³ Жабборов Н. Огахийнинг огохлик сирини. //Тафаккур, 2009. 2-сон. – Б. 62.

⁴⁴ Ҳожиаҳмедов А. Огахий даҳосининг олмос кирралари. – Тошкент: Халқ мероси, 1999. – Б.1–176.

⁴⁵ Атоуллоҳ Ҳусайний. Балойиъу - с - санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 244.

⁴⁶ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 26.

²⁶ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент, 1964. – Б. 372.

²⁷ Абдулхаким М. Мангулик жамоли. –Хива: Хоразм Маъмур академияси нашриёти, 2009. – Б. 96.

ҳақида маълумот берилмаган. Жумладан, “Таржимон ул-балоға”, “Арузи Хумоюн”, “Жамъи мухтасар”, “Санъати сухан” асарларига ва адабиётшуносликка доир луғатларга бу санъат киритилмаган. Доий Жаводнинг “Зебойиҳои сухан ё илми бадеъ дар забони форсий” номли асарига иттифоқ ҳақида маълумот ва мисоллар келтирилган. Доий Жавод таърифлашича, иттифоқ санъатига кўра, шоир шеърда ўз номи ёки тахаллусини ниҳоятда чиройли кўринишда шундай қўлладики, ўқувчи ҳаёлига бир пайтнинг ўзида ана шу сўзнинг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноси келади. Огаҳий шеърятда бунга мисол кўп.

Не тонг **огоҳ** бўлса **Огаҳий** ишқинг сиридинким,
Онга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо (26).

Мана бу шеърда эса иқтибос санъати маҳорат билан қўлланган:

Ҳақ таоло ўз каломида деди: **уфу би аҳд**,
Борчага лозимдур этмак амдо вафо (38).

Куръон ояти “Уфу би аҳд” – “Аҳдингизга вафо қилинг” маъносини англатади. Огаҳий маҳорати шундаки, бир байтнинг ўзида иқтибос санъатининг икки хил кўринишидан фойдаланган. Маълумки, оят ёки ҳадис айнан келтирилган иқтибос “дарж” дейилган. Огаҳий “Уфу би аҳд” оятини айнан қўллаб “дарж” кўринишига мисол келтирган. Иқтибоснинг иккинчи шаклида оят ва ҳадиснинг таржимаси ёки мазмуни келтирилади. Шоир юқоридаги байтнинг иккинчи мисрасида “**лозимдур этмак аҳдиға амдо вафо**” дея оятнинг мазмунини ифодалаган.

Ташобихул-атроф санъати, Доий Жавод таърифича, *масбег* ҳам дейилади. Огаҳий ғазалда бу санъатдан маҳорат билан фойдаланган:

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,
Меҳри жамоли устида **икки ҳилолини кўринг**.

Икки ҳилолини кўруб, қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳаи орази уза нуқтаи холини кўринг (91).

Огаҳий шеърятда кам бўлса-да **тавзеъ** санъати ҳам учрайди. Луғатда тарқатмоқ, таксим қилмоқ маъносидаги бу санъатдан назм ёки нарсда оҳангдошликни юзага келтиришда фойдаланилади:

Келсун доғи қатл айласуну қонима қонсун,
Қотилвашу ошиқ қушу хунхорима айтинг (197).

Юқоридаги байтда **қ** ундоши қўлланилиб, оҳангдошликни юзага келтирган ва таъсирчанликни оширган.

Шоир муболага, талмеҳ, ташбеҳ, ташхис, истиора, таҷоҳули орифона, хусни таълил, тамсил, ирсоли масал, тафриқ, таносуб, таҷнис, лафф ва нашр, радд ул-ажуз ал ас-садр, тарду акс, радд ул-матлаъ каби санъатларни қўллашда маҳорат кўрсатган. У шеърини санъатларнинг **элликдан ортик** турларини усталик билан қўллаган.

заслуживает никакого внимания). Действительно, в поэзии Агахи преобладает научное и философское мышление. Ей характерны также музыкальность, мелодичность, элементы огузского диалекта. Вдохновленный поэзией Физули, Агахи создавал прекрасные стихи, используя тонкости близости хорезмского диалекта к азербайджанскому языку. В творчестве Физули есть газель с редифом «Санга» (Тебе). Мунис также создал аналогичное произведение. Агахи пишет:

Ошиқ ўлдинг, э кўнгил, жонинг керакмасму санга,
Ўтга кирдинг жисми уренинг керакмасму санга...

Огаҳий холин кўриб доим тағофил қилғасен,
Шоири донойи давронинг керакмасму санга (12).

В этой газели очень трогательно воспет «огонь» любви, коснувшийся сердца поэта. Излагается сердечная боль «Шоири донойи даврон» (Мудрый поэт того времени). У Физули также любовь и влюбленность совершенствовались философским, суфийским содержанием.

Пять мухаммасов дивана «Тавиз уль-ашикин» посвящены газелям Физули. Они близки как по содержанию, так и по романтическим, социально-философским и суфийским воззрениям поэтов:

Жаҳон аҳли на билсун, Огаҳий, меҳру вафо кадрин,
Билурму шаппарақлар шом аро нуру зиё кадрин,
Не тонг гар билмаса бедардлар завқу даво кадрин,
Асири нафсдур аҳли жаҳон билмаз фано кадрин,
Фузулий, ишқ атвори санго онжақ мусалламдур (394).

Таким образом, творческое влияние – это явление, которое зажигает грани таланта, развивает мастерство. Творчество Физули сыграло роль школы мастерства в развитии поэтического таланта Агахи.

В диссертации также подробно описано влияние поэзии Агахи на творчество таких мастеров слова, как Камил Хорезми, Феруз, Табиби, Аваз Утар, Девани, Ниязи, Роғиб, Суфи, Мирзо, Баяни, Мутриб и другие.

Второй параграф главы назван «**Поэтическое совершенствование традиций персидской поэзии в лирике Агахи**». Некоторые классические поэты писали как на тюркском, так и на персидском языках. Доказательством этого являются «Девони Фоний» Алишера Навои, диван «Ашъори фарси», включенный в «Тавиз уль-ашикин» Агахи, диваны «Миръат уль-ишқ» и «Мазхар уль-иштиак» Ахмаджона Табиби. Хотя в истории узбекской классической литературы не так много диванов на персидско-таджикском языке, на данном языке создано множество газелей, историй и мусамматов. Некоторые из них нашли свое отражение в структуре тюркских диванов. Также между произведениями представителей узбекской и персидско-таджикской литературы выявляется близость с точки зрения тематики и идеологии. В частности, «Таджикские стихи Агахи по своей тематике, содержанию и художественным особенностям не уступают узбекским

В творчестве Агахи отчетливо прослеживается дух поэзии Навои. «Влияние великого Навои было особенно эффективным в становлении Мухаммада Ризы как великого художника, овладевшего тайнами поэзии, художественной зрелостью и идейным национальным духом его произведений»²². Собственно, влияние традиций Навои признает и сам Агахи: «Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво, Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санга?!».

Алишер Навои пишет:

Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Вар гамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?²³

Эта газель уникальна по интонации и содержанию. По требованию искусства радд ул-матла (первое двестишие стихотворения является посвящением), первая строка газели повторяется и в качестве конечной строки. Агахи же, в свою очередь, сумел создать строки, гармонизирующиеся по форме и содержанию указанной газели. Он также прибегает к искусству радд ул-матла:

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?²⁴

В тематической и идейной направленности газелей Навои и Агахи наблюдается своего рода гармония, тождественность. Есть сходство в суждениях и взглядах поэтов.

Основной темой диванов Навои и Агахи является тема любви. Навои пишет:

Эй Навоий, ишқ атворини хифз айлай деган,

Барча ишни тарк этиб, қилсин бизинг девонни хифз.

Из Агахи:

Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,

Чашми ибрат бирла дардангез девонимга бок.

Как видим, по этому поводу поэт высказал мнение, подобное словам своего великого предшественника.

Агахи заслуженно продолжил традиции великого Навои. Это творческое продолжение находит свое отражение в художественности малых жанров, как предисловие дивану, татаббу, написание подражательных газелей, создание разных форм мусаммат, использование афористических выражений, связывание пятистиший, создание произведений малых жанров типа чистан, рубаи, китъа.

В творчестве Агахи прослеживаются и традиции Физули. В предисловии к своему тюркскому дивану Физули пишет, что «Илмсиз шеър асоси йўқ девор каби ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор ўлур»²⁵ (букв. Поэзия без знания подобна стене без фундамента, которая, в свою очередь, не

Агар “...шеърнинг асли қофия”⁴⁷ экани эътиборга олинса, шоирнинг бу борадаги маҳоратини ўрганиш зарурати аён бўлади. Огаҳий шеърятисида ҳам қофия чинакам маънода лирик асарнинг асосига, устунига айлана олган. Маълумки, қофия илмидаги унсурлар икки гуруҳга ажратилади: 1) мукайяд (ўзак қофия) унсурлари; 2) мутлак (қўшимчали қофия) унсурлари. Қофия юкорисидаги унсурлар бирлашувидан ташкил топади.

Мукайяд қофия унсурларига **равий, қайд, дахил, ридф ва таъсис** киради. Ушбу қофия унсурлари қофиядош сўзлар ўзаги, яъни асосидан жой олиши ва равийдан олдин келиши билан ўзига хослик касб этади. Ишда бу Огаҳий шеърятиси мисолида кўриб чиқилган. Изланишлар Огаҳий шеърятисида мукайяд қофиянинг барча унсурлари учрашини исботлайди. Шоир **равий, таъсис, ридф, қайд, дахил** унсурларини қўллаб, қофиянинг гўзал намуналарини яратган.

Мутлак қофияга мансуб бўлган қофия турлари бир неча хил бўлади:

Мутлак-и мужаррад қофия, таъсисли мутлак қофия, таъсис ва дахилли мутлак қофия, ридф-и аслили мутлак қофия, ридф-и муфрадли мутлак қофия, ридф-и мураккабли мутлак қофия, қайд мутлак қофия, хуружли мутлак қофия, таъсис ва хуружли мутлак қофия, таъсис, дахил ва хуружли мутлак қофия, ридф-и аслий ва хуружли мутлак қофия, ридф-и мураккаб ва хуружли мутлак қофия, қайд ва хуружли мутлак қофия, мазидли мутлак қофия, таъсисли ва мазидли мутлак қофия, таъсис, дахил ва мазидли мутлак қофия, ридф-и аслий ва мазидли мутлак қофия, қайд ва мазидли қофия, ридф-и мураккаб ва мазидли мутлак қофия, нойирали мутлак қофия, таъсисли ва нойирали мутлак қофия, таъсис, дахил ва нойирали мутлак қофия, қайд ва нойирали мутлак қофия, ридф-и аслий ва нойирали мутлак қофия, ридф-и мураккаб ва нойирали мутлак қофия. Мутлак қофиянинг мана шу 25 туридан Огаҳий маҳорат билан фойдалангани тадқиқот ишида таҳлилга тортилган.

Мумтоз бадиият илмида қофиядаги қусурлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Маълумки, қофия айблари тўрттадир: **икво, икфо, синод, нийто**. Кузатишларимизга кўра, Огаҳий шеърятисида қофиянинг қусурлари жуда кам ҳолатда учрайди. У қофия масаласига катта эътибор билан қараган. Ҳар бир сўзга юксак муҳаббат ва санъаткорлик билан ёндашган.

Огаҳий шеърятисида радифинг ҳам алоҳида ўрни бор. Огаҳий ғазалларида 46 та ғазал радифи икки сўзlidir. Шоирнинг “Экан оё”, “Керакмасму санга”, “Ўлганга йиғларман”, “Бу нега” каби радифи ғазаллари устозлардан таъсирланиш натижаси, улар қўллаган радифлардан ижодий фойдаланиш маҳсуlidir. Шоирнинг “Ўлтурмай ўлтурди”, “Қурбонинг бўлай”, “Нега келмассан”, “На ҳаз”, “Тоза йил”, “Нодиру шоз” радифи ғазаллари огаҳиёна услуб намунаlidir. Шоир девонининг 2014 йилги нашрида 3 сўзли радиф қўлланган ғазаллар учта. Булар “Қаду рухсору лаб”, “Бир бўса бер”, “Ул ой ғами” радифи ғазаллардир. Огаҳий бу радифлар

²² Абдуғафуров А. Огоҳлар огахи / Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон. – Тошкент, 1999. – Б. 58-59.

²³ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. Наводир-ун ниҳоя. – Тошкент, 1987. – Б. 557.

²⁴ Огаҳий. Таъвизу-л-ошиқин. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 287 (кейинги мисоллар ҳам ушбу манбадан олинб, саҳифаси қавсда кўрсатилади).

²⁵ Физулий. Девон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959. – Б. 6.

